


Садриддин
Салим Бухорий

БАҲОУДДИН
НАҚШБАНД
ЁКИ ЕТТИ ПИР




Тўлдирилган қайта нашр

ДОЛГИЕ ГОДЫ
БЫТЬ ДЛЯ СВОИХ
БОЛ

Садриддин Салим Бухорий

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁКИ ЕТТИ ПИР



Тошкент

«Наврӯз»

2017

**УУК: 80.10.22
КБК: 83. (ЗҮзб)
Б 42**

Садриддин Салим Бухорийнинг «Бадауддин Нақибанд ёки штити тир» китоби 1993 ишчада илк бор нашир қилинди. Муаллиф унбу китобини 2009 ишчада инен маълумотлар билан тўлдириб, чон энтифари. Кўлинигиздаги мазкур китоб эса Садриддин Салим Бухорийнинг хожагон-нақибандия тариқатига оид бошқа асарларидан олинган янги маълумотлардан фойдаланиб тўлдирилди ва қайта нашрга тайёрланди.

Тўлдирилган қайта нашрга тайёрловчилар:

**Самад Азимов, филология фанлари номзоди
Салоҳиддин Гадоев, Бухоро шаҳар
Хўжа Исмат жомеъ масжиди имом хатиби**

**Кириш сўзи муаллифи:
Самад Азимов, филология фанлари номзоди**

**Мусаввир:
Ш.Болтаев**

КИРИШ СҮЗ

Неча асрлар давомида миллий қадриятларимиз ва халқимиз дүнөн қарашы тақомилида юксак маданият, маънавият ва маърифат булоги ҳамда бекітілген мактаби бұлған хожагон-нақшбандия тариқати борасидагы халқимизнинг саводхонлиги йүқтедаражага тушиб қолған бир даврда таниқли тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорий “Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир” рисоласини нашрға тайёрлади. Бу рисола 1993 йилда илк бор чоп этилди. Бу мұжазгина китобча орқали у биринчилардан бұлған бу таълимотнинг моҳияти, вазифаси, фоя ва мақсади, тарбиявий күрсатмалари нималардан иборат эканлигини, етти пири комиллар кимлар эканлигини халқимизга таништириди.

Хожагон-нақшбандия тариқати асосчилари: Абдулхолиқ Фиждұвонийдан бошланиб, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандгача бұлған етти пири комиллар ҳаёти, фаолияти, ахлоқ-одоби, кашфу каромоти ва ҳикматлари ҳақида мухтасар ҳикоя құлувчи бу рисола ҳануз құлдан-құлға юриб, ұзининг катта обруси ва аҳамияти билан халққа хизмат қилиб келмоқда.

Нақшбандия таълимотининг муҳим фоялари, атоқли шайхларнинг панду-насиҳатлари унда ранг-баранг нақлу ривоятлар орқали ифодаланған. Китобхон бу рисоладан муршид муносабатлари, солик олдига құйилған талаблар, сұғиғийлік ахлоқлар ҳақида маълумот олади. Шунингдек, ҳозирда ҳам ұз аҳамиятини йүқтетмаган ҳалолликка, әзгуликка, инсонпарварлықка чорловчи фикрлар ва ҳикматлардан воқиға бұлади. Саҳиҳ манбалардан олинған бу маълумотлар оммабоп, тушунарлы тилда баён қилинған. Бу үз навбатида Садриддин Салим Бухорийнинг ұзига хос услугини ташкил этади. У халқимизга хожагон-нақшбандия таълимотини тұғри тушуниш, тұғри етказишиңда катта аҳамият касб этади.

Ушбу рисола шарофатидан “етти пир” деган истилоқ истеъмолла кирди, етти пир қабрларини зиёрат қилиш хайрли анъанага айланди. Инсонлар қалбини маърифат нури, маънавият зиёси или мунаввар этган Бухорий шарифлик бу аллома – авлиёлар ҳақида Садриддин Салим Бухорий бундан кейин бир неча илмий, маърифий-тарихий китоблар ёзды. Уларда хожагон-нақшбандия тариқатининг пир-муршиidlари, валиюллоҳлар, ориф, зоҳид, оби-

длар ҳақида кенг, батафсил тушиунча берилган. Қўлингиздаги мазкур нашр ана ўша китоблардан олинган баъзи янги маълумотлар, дурдона ривоятлар ва ҳикматлар билан тўлдирилиб, қайта ишланиб, нашрга тайёрланди. Унда Садриддин Салим Бухорийнинг оддий, халқона тилда баён қилиш услубини сақлашга эътибор қаратилди. Бу нашр олдингиларига нисбатан китобхонга улуг шайхлар ҳақида бир оз кенгроқ маълумот беради. Ўйламизки, бу нашр Сизга етти пири комилларниң маънавий метъросини янада чуқурроқ англашингизга ёрдам беради ва ёшларниң дунёқараши, одоб-ахлоқини камол топтириб, уларни баркамол авлод руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

*Самад Азимов,
филология фанлари номзоди*

Қадимий Бухоро замини И мом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тарикат пирлари – Абдулхолиқ Фиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фагиавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутуни дунёга маълум ва машҳурдир.

И.А.КАРИМОВ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Бутун дунёда Қодирия, хожагон-Нақшбандия, кубравия, чиштия, яссавия, суҳравардия тариқатлари маълум ва машҳур. «Тариқат» деган сўз аслида тўғри йўл, рост йўл деган маъноларни англатиб келади. Тариқат аҳли сўфийлардир. Шариат-қонун, тариқат – йўл. Бу йўл кишини Ҳаққа яқинлаштиради. Машойихлар Ҳаққа етмоқ учун шариат биринчи, тариқат иккинчи, маърифат учинчи, ҳақиқат эса тўртинчи зина, деганлар.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шариату тариқатни бир-бирига қарши деб талқин этмоқ нотўғри. Бу ақида баъзи бир Farb исломшуносларининг фикри бўлиб, улар тариқатни шариатга зид ёхуд тариқат шариатдан кўра илфорроқ, деб тушун-тирмоқчи бўладилар. Бундай талқин мутлақо нотўғри. Зоро, Шайх Воиз Кошифий шариат билан тариқат бир бутун, бир-бiri билан узвий боғлиқ, деб таъкидлаган. Хожагон-нақшбандия тариқати пирларидан бири бўлган Ҳазрат Мир Қулол эса тариқат шариатнинг нигоҳдошти, яъни муҳофаза этувчисидир, деганлар.

Турон заминда нақшбандия, қодирия, яссавия, кубравия сулуклари кенг таркалган. Қодирия тариқатининг асосчиси Шайх Абдулқодир Желоний (1079-1166), яссавия тариқати асосчиси Аҳмад Яссавий (1166 й. ваф.), кубравия тариқатининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1145-1221), нақшбандия тариқатининг асосчиси Ҳазрат Ба^оуддин Нақшбанд (1318-1389) бўладилар. Нақшбандия тариқати хожагон тариқатининг давоми ҳисобланади. Ҳўш, хожагон тариқатининг асосчиси ким? Унинг асосчиси Ҳожаи Жаҳон номи билан бутун оламга машҳур бўлган Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний (1103-1179-1220) бўладилар.

Нима учун XXI асрга – тараққиёт асрига келиб хожагон-Нақшбандия тариқати Ҳиндистону Покистон, Малайзияс Туркия, қолаверса Farbda ҳам илдиз отмоқда, унга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортмоқда?

Хожагон-нақшбандия тариқати Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдаги таълимотга асосан шаклланган. Тариқат пирларининг асосий вазифалари пайғамбар с.а.в. суннатларини қайта тирилтириш, бидъат ва хурофтотга қарши курашиш. Чунки пайғамбар

с.а.в.: «Бидъат ва хурофтга берилганлар энг ёмон кишилардир, бидъат ва хурофтга берилган одам то уни тарқ этмагунча, унинг қилиған савоб ишларини Тангри қабул қиласайди», деганлар.

Тириқатта кирған шахс ўз қалбини покламоги даркор.

“Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлди. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалардан сағланиса, динини ҳам, обрўсини ҳам пок туттган бўлади. Кимки шубҳали нарсаларга тушиб қолса, ҳаромга ўтиб кетиши мумкин. Агар чўпон қўйларни заҳарли ўт атрофида ўтлатиб юрган бўлса, подаси заҳарли ўтдан еб қўйиши мумкин. Билингки, ҳар бир подшохнинг қуриқхона каби тақиқлаб қўйган нарсалари бўлганидек, Тангрининг ҳам тақиқлаб қўйган ҳаром нарсалари бор. Билгинки, инсон жасадида бир гўшт парчаси бор, агар у соғлом бўлса, бутун жасад ҳам согломдир, агар у бузилса, бутун жасад ҳам бузилади. Билгинки, у юракдир», – деб таъкидлаганлар Муҳаммад с.а.в.

Дарҳақиқат, қалб Оллоҳнинг назаргоҳидир. Оллоҳ назаргоҳи ҳисобланган қалбни покизалаш – хожагон-нақшбандия таълимотининг асл мақсади ҳисобланади. «Нақшбанд – бар дил банд!», яъни Оллоҳ номини қалбингда нақш айла, дейилади таълимотда. Хожагон-нақшбандия тариқати «Силсилаи шариф»нинг сарҳалқаси Муҳаммад с.а.в. бўладилар. Ушбу таълимот Муҳаммад с.а.в.дан Абу Бакр Сиддиққа, у кишидан Салмони Форсийга ўтган. Пирлар тартиби Салмони Форсийдан кейин қуийдагичадир: Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад, Ҳазрат Жаъфари Содиқ, Ҳазрат Боязид Бастомий, Ҳазрат Абулҳасан Ҳарақоний, Ҳазрат Абу Али Формадий, Ҳазрат Йусуф Ҳамадоний, Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний, Ҳазрат Ориф ар Ревгари, Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фагнавий, Ҳазрат Али ар Ромитаний, Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳазрат Мир Қулол, Ҳазрат Шоҳи Нақшбанд Баҳоуддин Увайсий ал Бухорий, Ҳазрат Алоуддин Аттор, Ҳазрат Ҳожа Порсо, Ҳазрат Яъқуби Чархий, Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳожа Муҳаммад Қози, Ҳазрат Махдуми Аъзам, Ҳазрат Муҳаммад Ислом Жўйборий, Ҳазрат Ҳожаи Калон, Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедий, Ҳазрат Ҳошим, Ҳазрат Авлий, Подшоҳ Салим Балхий, Эшони Имло Бухорий ва бошқалар.

«Силсилаи шариф» гўё улкан дарахт, ушбу дарахтнинг таналари, шохлари бор. Қуийдаги «Силсила» Ҳожи Тешабобо Қобил ибн Мустафо ал Бухорий (1923-1997) мансуб бўлиб, ундаги пирлар рўйхати Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрордан сўнг бошқа шоҳада дином этган: Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳир, Ҳазрат

Муҳаммад Дағвиш, Ҳазрат Имганакий, Ҳазрат Муҳаммад Боқи биллоҳ, Ҳазрат Аҳмад Форуқ Имом Раббоний, Ҳазрат Муҳаммад Саид, Ҳазрат Абдулақад, Ҳазрат Муҳаммад, Ҳазрат Муҳаммад Мусохон, Ҳазрат Муҳаммад Сиддиқ, Ҳазрат Мавлоно Ҳусайн, Ҳазраг Муҳаммад Иброҳим, қутби замон Ҳазрат Муҳаммад Валихон, Ҳазрат Муҳиддин, Ҳазрат Муҳаммад Шариф, Ҳазрат Тешабобо Қобил ибн Мустафо ал Бухорий р.а.

Ушбу «Силсила» шоҳалари таналари Туркия, Малайзия, Покистон, Ҳиндистон, Индонезия ва бошقا жойларга борган. Туркиялик пири муршид шайх Маҳмуд Асъад Жӯшон (бу кишининг боллари бухоролик бўлган) мансуб бўлган «Силсила» қўйидагича: Ҳазрат Аҳмад Форуқ Имоми Раббоний, Ҳазрат Муҳаммад Маъсум, Ҳазрат Шайх Сайфуддин, Ҳазрат Сайд Нури Муҳаммад ал-Бадвоний, Ҳазрат Шамсиддин Жони Жонон Мазҳар, Ҳазрат Абдулла ал-Деҳлавий, Ҳазрат Мавлоно Зиёуддин Холид ал Бағдодий, Ҳазрат Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан ас Сомий, Ҳазрат Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушҳанавий, Ҳазрат Ҳасан Ҳилмий ал Кастаномий, Ҳазрат Исмоил Нажотий ас Сағифиранболий, Ҳазрат Умар Зиёуддин ад Догистоний, Ҳазрат Мустафо Файзий ибн Амрулло ат Такфурдагоний, Ҳазрат Ҳасиб аш Шерозий, Ҳазрат Абдулазиз ал Косоний, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал Бурсавий, Ҳаэрат Маҳмуд Асъад Жӯшон.

Ҳар учала «Силсила»да ва бошқа хожагон-нақшбандия тариқати «Силсила»ларида етти пири комил – Ҳожаи Ҷаҳондан бошлиб Ҳазрат Баҳоуддингача бўлган муршидлар номи зикр этилгандир. Шу боис биз ушбу рисолада етти пири комиллар ҳақида қисқа маълумот бермогни лозим кўрдик.

Ушбу «Силсилаи шариф»даги бир неча пирлар увайсий ҳисобланади. Жўмладан, Боязид Бастомий, Абулҳасан Ҳарақоний, Ҳазрат Баҳоуддин увайсийдурлар. Кимники ўтганларнинг руҳи тарбият қилиса, ундан шахс увайсий бўлар экан. Маълумки, Муҳаммад с.а.в.инг руҳлари Увайс Қараний-ни тарбия қилган. Пайғамбар с.а.в.: «Мен барча яхши ахлоқни такомиллаштириш учун юборилгандман», деганлар. Тариқат пирлари ҳам пайғамбарона ахлоқ эгаси бўлиш учун, шунингдек, Расули Акрам с.а.в. ахлоқларини оммага ўргатиш учун ҳаракат қилганлар.

Фиқҳ шариатнинг зоҳирини, тасаввуф эса унинг ботинини ўрганади. Ҳусайн Воиз Кошифий ёзадиларки, тасаввуф тариқат мақомотларидан биридир. Ва бу номнинг келиб чиқиши ҳақида

олимлар орасида ихтилоф бор. «Унсул сүфия» китобида ёзилишича, биринчى бўлиб «сўфий» деган номни олган одам Одам Ато фарзандларидан бири – Шиш алайҳиссалом эди.

Нажмиддин Комилов ёзади: «Сўфийлар Оллоҳни жон-дилдан севиш, Унинг зоти ва сифатларини таниш ва билиш, кўнгилни нафсу ҳирс губоридан поклаб, ботиний мусаффо бир ҳолатда Илоҳ васлига етишини ва бундан лаззатланини тоғасини кенг тарғиб қиласидилар. Инсон руҳи илоҳийдир ва демак, асосий мақсад – илоҳий оламга бориб қўшилмоқдир, дедилар.

Шу тариқа, дунёдан кўнгил узган, аммо зоҳидларга ўхшамайдиган, «бир назар билан тупроқни кимё этадиган» (Хофиз Шерозий) зеҳну заковат, ақл-фаросатда тенгсиз, аммо ўзга мутафаккирлар, файласуфлардан ажралиб туралар – диган, шариат илмини сув қилиб ичган, тоату ибодатда мустаҳкам, лекин оддий диндорлардан фарқланадиган ажойиб хислатли одамлар тоифаси пайдо бўлган эдик, уларни руҳ кишилари деб атардилар... Буларни аҳлуллоҳ, авлиё, аҳли ҳол, аҳли ботин, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар, фақир деган номлар билан тилга оладилар. Аммо бу тоифага нисбатан кўпроқ «сўфий» номи қўлланилган» (Н. Комилов, «Тасаввуф», Т., «Ёзувчи» нашриёти, 1996 йил, 6-7-бетлар).

Тариқат пирлари, сўфийлар ҳозирги тил билан айтганда, фидойи муаллимлар бўлиб, бир неча авлодни аср-асрлардан бери тарбиялаб келмоқда. Шу сабаб XXI асрда ҳам инсоният яна тариқатга эҳтиёж сезиб, улуг устодлар меросини ўрга-ниб, улар одоби, айтган гапи, қилган ишини ўзлаштириб олмоқ учун саъй-ҳаракат этмоқда.

Истиқлол шарофатидан улуг пирларимиз асарлари нашр қилинаётир, улар ҳақида китоблар чоп қилинмоқда. Зиёратгоҳлар обод этилмоқда. Бизнинг ушбу рисоламиз Етти пир зиёратига келгандарга манфаати тегса, иншооллоҳ, савобдан умидвормиз.

ҲАЗРАТ АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ

- Ҳазрат АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ қуддиса сирриҳу – Хожай Жаҳон, Хожа Абдулхолиқ номи билан бутун дунёга машҳур. Хожа Абдулхолиқ 1103 йил Фиждувонда туғилиб, 1179 (айрим манбаларда 1220) йил марҳум бўлганлар. Қабрлари Фиждувон шаҳрида.

Авлиёлар султони, қутби замон, олими Раббоний, буюк тарбиячи Абдулхолиқ Фиждувоний хожагон тариқатининг асосчиси, “Силсилаи шариф”даги ўнинчи халқанинг пири муршиди ҳисобланадилар.

Абдулхолиқнинг оталари Имом Абдулжамил катта олим ва ориф киши бўлган. Имом Абдулжамил асли румлик (яъни туркиялик) бўлиб, Имом Молик (713-795) авлодидан. Абдулхолиқнинг оналари эса подшоҳ қизи бўлганлар. Хизр а.с. тавсияларига мувоғиқ Имом Абдулжамил Фиждувонга келадилар ва Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувонда туғиладилар.

Абдулхолиқ Фиждувоний ҳақларида Ҳожа Ориф ар Ревгарий, Жомий, Навоий, Али Сафий, Носириддин Тўра, Маҳдуми Аъзам, Муҳаммад Боқир ва бошқа аллома, авлиёлар ўз китобларида маълумот берганлар.

Ҳазрат Абдулхолиқ Хизр алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий (Бобойи Лақлақаги)лардан таълим олганлар.

Ўз замонасининг машҳур алломаси, тафсир илмининг султони Имом Садриддин Абдулхолиқ Фиждувонийнинг илк устозларидан. Абдулхолиқ Фиждувоний Бухорода Имом Садриддиндан тафсир илмини мукаммал ўрганадилар. Ундан сўнг Хизр (а.с.) Абдулхолиқ Фиждувонийни маънавий фарзандликка қабул қиласидилар ҳамда хуфиёна зикр қоидаларини у кишига ўргатадилар.

Абдулхолиқ Фиждувоний Ромитанда Ҳазрат Бобойи Лақлақаги - Ҳожа Ниёз Хоразмийдан ҳам таълим оладилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Ромитан туманидаги Лақлақа қишлоғидадир.

Йигирма икки ёшларида Бухорои шарифда тасаввуф оламида машҳур шайх Ҳожа Юсуф ал-Ҳамадонийга учрашиб, тасаввуф таълимотини эгаллайдилар. Абдулхолиқ Фиждувонийга қалб зикрини таълим берган ва маънавий фарзандликка қабул қиласидилар. Ҳизр алайҳиссалом бўлса, суҳбат ва хирқа пири улуғ шайх, олими Раббоний, соҳибқаромат авлиё Ҳожа Юсуф Ҳамадонийдир. Абдулло Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Фиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг энг етук ҳалифаларидан саналадилар. Юсуф Ҳамадоний Бухорога келиб, (Хўжа Нурабод кўчаси) Корхона гузарида яшайдилар ва Барқий, Андоқий, Яссавий ва Абдулхолиқ Фиждувонийга таълим берадилар. Бу табаррук зиёратгоҳда ҳозир Юсуф Ҳамадонийнинг рамзий қабрлари бор. Абдулхолиқ Фиждувоний ўзларининг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” номли асарларида устозлари Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг

Абдулхолиқ Фиждувонийга Аллоҳ таоло кўп кароматлар берган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат” китобида Ҳазрат Ҳожай Жаҳон - Абдулхолиқ Фиждувонийга Аллоҳ берган улуғ даражаларини таъкидлаб, “ҳар вақт намозда Каъбага борар эрдилар”, деб ёзди (А.Навоий, «Муқаммал асарлар тўплами», 17 том. Т. – 2001 йил, 253-бет). Ўша китобда А.Навоий Абдулхолиқ Фиждувонийга қўйидаги таърифни ҳам берган: «Аларнинг (яъни Абдулхолиқини) равишни тариқатда ҳужжатдур. Барча форуқ (ҳақни ботилдан ажратувчилар)нинг мақбулидурлар. (Ўша китоб, 254-бет).

Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний «Рисолаи саҳобия», «Мақсад ас соликин», «Маслакал орифи», «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», «Тариқат одоби» номли рисолалар, шунингдек, рубоий ва қитъалар ёзганлар.

“Тариқат одоби” китоби ҳикматларидан:

Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний

- Эй фарзанд! Илм билан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро, одобсиз одам Оллоҳ лутифидан маҳрумдир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ, нек одоб ила умргузаронлик айла. Суннати санияни маҳкам тут, салафи солиҳин, тақвони имомлар йўлларига эргаш. Бидъат аҳлидан йироқ бўл, зеро ҳар қандай бидъат гуноҳдир.

- Эй фарзанд, сенга насиҳатим шулки, тақвони ўзинга шиор эт, ибодатларингни ўз вақтида бажар, ҳолингдан воқиф бўл, Аллоҳ таоло Каломига итоат, Ҳазрат Расулulloҳ с.а.в. суннатларига вафо, ота-онанг ва устод(шайх)ларинг ҳақларини адо этгувчи бўл. Шунда ҳақ таоло ризолиги сенга мусассар бўлгай.

- Эй фарзанд! Қуръони Каримни доимо ўқимоқни, уни ўрганимоқни асло канда қўйма. Барча ишларинг зоҳиру ботинини Қуръони Каримдан излагил, ундан албатта жавоб топгайсен. Қуръони Каримни ичингда бўлсада тиловат эт, таваллолар этиб, йиғлаб уни ўқи. Ҳар бир иш, ҳар бир ҳаракатингни Қуръонга мувофиқ қўй, фақат унга суюн. Чунки халқ ичинда Жаноби Ҳақнинг хужжати Қуръони Каримдир.

- Илм ўрганимоқни бир нафас бўлсада тарқ этма. Хусусан фиқҳ, тафсир илмларини пухта эгалла. Жоҳил сўфий, тақлидчи мутасаввуфлар суҳбатига асло яқинлашма. Зеро улар дин йўлидаги ўғри ва мусулмонларни йўлдан оздирувчи каззоблардур.

- Ҳалол луқма ейишни одат қил. Шубҳали луқмадан имкон қадар ўзингни йироқ тут. Билки, ҳалол луқма барча хайрли, савоб амал, некликларнинг қалитидир. Агар ибодат лаззатини, ҳаловатини туяман десанг, доимо ҳалол луқма егил. Ҳаромдан қоч! Шундай қилсанг қиёматда ўтда кўймагайсен. Аллоҳнинг қаҳридан қўрқигилки, бир кунмас бир кун ҳисоб китоб учун унинг ҳузурига ҳозир бўлгайсен.

- Бирор сени мақтаса андин хурсанд, ёхуд ёмонласа андин хафа бўлма. Мақтову ёмонлашларга бир хил қара. Зоро аларнинг мақтовидан сенга ҳеч бир манфаат ёки аларнинг ёмонлашларидан сенга ҳеч бир зарар йўқдур.

Хожа Ориф ар-Ревгари “Орифнома” китобларида Абдулхолиқ Фиждувонийнинг қуидаги ҳикматли сўзларини келтирадилар: Овқат истеъмол этишда эҳтиёт бўл. Кам е, кам гапир, кам ухла. Оч қолмагунингча тановул қилма. Зарурат туғилгандагина гапир. Уйқу фалаба қилмагунча ухлама. Бироз ухла, зоро шундан сўнг ибодатинг хушъу ила адо айла.

Бир куни Ҳазрати Хожа(яъни Абдулхолиқ Фиждувоний)га савол бердилар: “Дилнинг фарофати нимадан ҳосил бўлур?” Хожа буюрдиларки, дилнинг фарофати – унинг тасфити – яъни поклигидадир. Агар ул дилга дунё молидан заррае тамаъ бўлмаса, дил фарофатда бўлур.

Хожа р.а.(Абдулхолиқ Фиждувоний) дедилар: “Ислом асоси уч нарсададур: биринчиси – ҳар тоате ва ибодатеким айларсиз – анинг илмидан воқиф бўлинг! Иккинчиси – ҳар илмники ўрганибиз – унга амал қилинг! Учинчиси – ҳар амалники этгайсиз – сидқу ихлос билан адо этгайсиз”.

Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувонийнинг қуидаги рубоийларининг тарбиявий аҳамияти каттадир:

* * *

Шуҳрат ила шум нафсингни шод этма,
Ўзни мардум орасинда кўп ёд этма.
Камтарлик эт! Сен ном чиқарай деб,
Зинҳорки динингни барбод этма.¹

¹ Бу ва бундан кейинги шеърлар таржимони С.С.Бухорий

* * *

Умринг ўтадур – кам озорлик беҳ,
 Қўлдан келадур – накўорлик беҳ,
 Ҳар неки экдинг, шуни ўргайсен,
 Эккил сара уруғ – ҳушёрлик беҳ.

* * *

Гар сенга биродан шикоят бордур,
 Дарди дилинг ундан баоят борду р.
 Ёмонлиги ўзи ёмонга жазо,
 Интиқом олмоққа на ҳожат бордур.

* * *

Тил сукут эт, эй жон гапир,
 Бекому безбон гапир.
 Ул йерки болиқа ёр эзур,
 Бегапу бедаҳон гапир.

* * *

Айбларни ёпгувчи саттор² бўлгайсен,
 Қалбларни топгувчи фамхор бўлгайсен.
 Аллоҳ ризолигин топай десанг, эй дўст!
 Эл бирла адабда ҳұшпёр бўлгайсен.

* * *

Дўстга муборакман, душманларга шум,
 Жангда темирдирман, сулҳда мисли мум.
 Сарчашмаи нур Фиждувон манзилам,
 Ханжарману тифим кесолгай то Рум.

* * *

Покиза ахлоқ бўл ҳар вақт ҳама ҳол,
 Покиза хислатли зот аҳли камол.
 Ҳақнинг ризосидин не бор ортиқроқ?
 Ҳақ розидир, бўлсанг покиза хисол³.

² Саттор – айбларни ёпгувчи

³ Хисол – хислат

2003 йилда Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувонийнинг 900 йиллик юбилейлари юртимизда ҳукуматимизнинг сайъ-ҳаракати билан жаҳон миқёсида нишонланди. Ҳазрат Ҳожаи Жаҳон зиёраттоҳларида XXI аср обидаси қад кўтарди. Унда гўзал мақбара, янги жомеъ масжид, улкан бог, ҳовуз бунёд этилди. Ҳазратнинг асарлари нашр қилинди.

ҲОЖА МУҲАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ

2. Ҳожа МУҲАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ қ.с. – Ҳазрат Ҳожа Ориф Моҳитобон номи билан ҳам машҳур. Ҳожа Ориф Бухоро вилояти, Шоғиркон туманидаги Ревгар қишлоғида туғилганлар, юз йилдан зиёд умр кўриб, 1259 йилда вафот қиласланганлар. Қабрлари Шоғиркон марказида обод зиёраттоҳга айлантирилган.

Манбаларда нақл этилишича, Ҳожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, қошлиари камон, бутун вужудларидан мушку анбар ҳиди анқиб турадиган зот бўлган эканлар.

Ҳазрат Ҳожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий «Силсилаи шариф»даги ўн биринчи ҳалиқанинг пири муршиди. Бу зоти шариф шариату тариқат илмини Ҳожаи Жаҳон – Абдулхолиқ Фиждувонийдан ўрганганлар.

Ҳожа Ориф ар-Ревгарий Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувонийнинг тўртинчи халифалари ҳисобланадилар. Ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг (1461-1542) «Мақомоти Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувоний» асарларида нақл қилинишича, Ҳазрат Хизр а.с. Ҳазрат Абдулхолиқ ҳузурларига келардилар. Шу пайт Ҳазратнинг ҳамма шогирдларини уйқу босарди. Суҳбат тугаб, Хизр а.с. кетганларидан сўнг шогирдлар беихтиёр уйқудан уйгонарди. Шогирдлар орасида энг ёши ҳисобланган Ҳожа Муҳаммад ар Ревгарий Хизр а.с. суҳбатларидан баҳраманд бўлай деб, кўзларига туз сепдилар ва оғриқнинг қаттиқлигидан у кишига уйқу ғалаба қилолмайди. Натижада уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлдилар. Бу ҳолни кўриб Хизр а.с. дедилар: «Сиз Ориф бўлгайсиз, иншооллоҳ!» Ҳожа Хизр а.с. нафасларининг баракотидан у киши бутун дунёга Ҳожа Ориф номи билан машҳур бўлдилар.

Қуйидаги нақл ҳам мазкур «Мақомот»да бор: Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний хизматларида Ҳожа Аҳмад Сиддиқ, Ҳожа Авлиёй Кабир (Калон), Ҳожа Сулаймон камарбаста бўлиб турганларида, ногоҳ уларнинг ҳар учовлари кўнглида: «Ажабо, бизнинг ёшимиз ҳам, даражамиз ҳам, этаётган хизматимиз ҳам Ҳожа Ориф ар-Ревгаридан улуғ, лекин нега Ҳазрати пирнинг иноят назарлари Ҳожа Орифга баланддур?» деган шубҳа ўтади. Ҳазрат Абдулхолиқ каромат нури ила уларнинг бу фикрини биладилар ва дейдилар: «Эй, фарзандларим! Ҳожа Орифни қидириб топинглар!» Улар авлиёлар сарвари, атқиё қофиясолори Ҳожа Орифни топадилар. Ул зоти шариф бир масжид ичида дуру гавҳар каби товланиб, зикр қилиб турардилар. Ул кишининг бошлари устида Каъба айланиб, соя қилиб турарди. Бу ҳолни кўриб, улар Ҳазрат Ҳожа Орифнинг оёқлари остига ўзларини отиб, узр сўрайдилар ва Ҳожа Ориф даражалари баланд эканлигига иймон келтирадилар.

«Рисолай Сигноқий» асарида баён этилишича, кунлардан бир кун Ҳожа Аҳмад Яссавий таом пишираётib, муриди Ҳожа Дўғийни Фиждувонга бориб, Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувонийдан қатиқ олиб келишни буюрадилар. Ҳожа Дўғий Фиждувонга етиб бормасданоқ, Фиждувонийнинг халифаси Ҳожа Ориф Ревгари Аҳмад Яссавий ҳузурларига қатиқ олиб келадилар. Бундан хабар топган Ҳожа Дўғий: «Орифнинг ҳоли мендан устун келди» – дея Ҳожа Орифнинг камолотларини эътироф этадилар.

Муҳаммад Толибининг «Матлаб ут толибин» асарида Ҳожа Орифнинг: “Ҳар ким ўз тадбирига банд бўлса, дўзахнинг эшиги нақддир. Ҳар ким Ҳақ тақдирини мутолаа қилса, беҳишт эшиги нақддир” - деган ҳикматли сўзлари келтирилган. (Муҳаммад Толиб. Матлаб ут-толибин. Т., Мовароуннаҳр нашриёти, 2016. 52 бет).

Ҳожа Ориф ар Ревгарий «Орифнома» номли китобнинг муаллифи ҳисобланадилар. Бу асар ҳижрий 622 (милодий 1225) йилда ёзилган. Кўплаб нодир асарлар қатори “Орифнома” ҳам қатағон замонида ўйқотилган эди. 1993 йилда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд юбилейларидан кейин бу китобнинг фото нусхасини Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари Покистондан Бухорога юбордилар. Форс-тожик тилида ёзилган бу китоб ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга тақдим қилинди.

«Орифнома» ҳикматларидан

- Аюҳал ориф! Пок ва пок эътиқодли бўл! Зеро чиркин кўнгил

бутун аъзои баданни ҳаром қилгай! Ахир, Аллоҳнинг бизни қабул этиши ёки этмаслиги айнан шу кўнгил туфайлидир.

- Одоб - нек одамлар зийнатидур!

- Авлиёлик аломати учтадур: биринчиси – баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ, иккинчиси – сабру тоқати етгунча парҳезкорлик қилмоқ, учинчиси – то кучи етгунча инсоф қилмоқ.

- Очлик – зоҳидлар, зикр – орифлар таоми.

- Бу дунёда вужудинг билан ва охиратда қалбинг билан бўл!

- Бирони ҳаддан ташқари мадҳ этмоқ мажусийлик белгисидур ва бу иш Аллоҳ Таолони инкор этмоқ ила баробардур.

- Зоҳид ва комил шахс улдурки, фатволарга амал этгай, акс ҳолда у васвос, жиннидур.

- Инсон хулиқ, табиити ва ҳол-аҳволидаги нарсалар Аллоҳ таобло томонидан берилгандур, лекин касб-ҳунар мақомига эришмоқ учун толиб бўлмоқ зарур. Шу толиблик жараёнида сайъ-ҳаракат ва таважжӯҳ, кўплаб риёзат чекиш ва жидду жаҳд ила ёмон иллатларни йўқотиши оқибатида покизалик ва нек хислатлар ҳосил бўлгай ва даражабада тараққий этиб, камолот мартабаси ва шарафу висолга эришгай. Аммо бу ўринда солик учун бирламчи важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдурки, ул – кашфнинг муқаддимаси ва кашф – маърифатнинг ва маърифат – мушоҳаданинг муқаддимасидур. Ва шундан сўнгтина унга гайб эҳсони муюссар бўлур! Солик кўз ўнгидан пардалар кўтарилиган заҳоти унинг мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланур!

- Жамии маърифат асосини Аллоҳ таолога бўлган сидқу эътиқод маърифати ташкил қиласиди.

- Такаббур – гуноҳга итоат этувчи шахсдур ва унинг тоати гуноҳдан кўра батарроқдур ва ўзига гуноҳидан кўра зарарлироқдур.

- Қайси одамеки, истиффор этиб, тагин гуноҳга қўл ургай, Аллоҳ таоло бундайларнинг тавбасини ҳаром қилгай ва алар томонга ҳаргиз назар ташламас.

- Диннинг асли – ҳилмидур! Ва ҳилмнинг асли – сабрдур.

- Сизга Аллоҳ таоло қай бандадан рози бўлишини айтайми – ул кишиким, меҳнатига ва меҳнатдан келган неъматга шукrona қилур.

- Аюҳал ориф! Бандалик уч таврдур: аввали – олий шариат фармойишларини қаттиқ тутмоқ, иккинчиси – Худонинг қазосига рози бўлмоқ ва учинчиси – ўз ихтиёри ва хоҳишидан кечиб, ҳақ Субҳонаҳу таоло хоҳиши ва иродасидан хурсанд бўлмоқдир!

«Орифнома» китоби охирида Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгари вафотлари тарихини англатувчи қўйидаги байтлар хаттот томонидан ёзилган:

*Афсус, шуд пинҳон Моҳитобон ба зери хок,
Килкам сияҳпӯш, жигар реиш, сина чок.
Тарих баҳри реҳлати у жустам аз қалам:
Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам.*

Мазмуни: Афсуски, Моҳитобон ер остига пинҳон бўлди. Қала-
мим қора кийинди, жигарим тилинди, сийнам чок бўлди. Унинг
марҳум бўлган йили «Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам»-
дан чиқади.

Ушбу шеърнинг сўнгги байти «Қутби замон ва Орифи биллоҳ
зери рақам»дан ҳижрий 634 йил, мелодий 1234 йил чиқади.

Айrim манбаларда Хожа Ориф ар-Ревгарийнинг марҳум бўлган
йиллари 1259 йил деб ёзилган. Истиқлол йилларида Хожа Ориф
ар-Ревгарийнинг қабрлари таъмирланиб, атрофида сўлим боғ бар-
по этилди. Бу зиёратгоҳда янги жомеъ масжиди қад ростлади.

ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ

3. Хожа МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ қ.с. – Вобкент тума-
нига қарашли Анжир Фагни қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот
қўилганлар. Бу қишлоқнинг ҳозирги номи Анжирбоғдир. Хожа
Маҳмуд “Силсилаи шариф”даги ўн иккинчи халқанинг пири мур-
шиди, буюк тарбиячи, аллома, валиюлоҳ бўлганлар. Манбаларда
бу зоти шарифнинг касблари гилкор бўлгани ёзилган. Бу зоти ша-
риф XIII асрда яшаб ўтганлар.

Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт» китобида ёзилишича,
Хожа Али ар Ромитаний Хизр а.с.дан: «Шу асру айёмда пир деб
кимнинг этагидан тутса бўлади?» – деб сўраганларида, Хизр а.с.:
«Шу асру айёмнинг пири муршиди Хожа Маҳмуд Анжир Фагна-
вий бўладилар!» – деганлар. Хизр а.с. тавсияларига мувофиқ Хожа
Али ар Ромитаний Хожа Маҳмудга мурид бўладилар.

Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий илми юд ва илми ҳолни Ҳазрат
Хожа Ориф Ревгаридан ўрганилар. Хожа Маҳмуд Хожа Ориф-



дан ижозат хати олганларидан сўнг ҳалқни Ҳаққа даъват этиб, алония зикри (баланд товуш билан зикр этмоқ) ила машҳур бўладилар. Алония(жаҳрия) зикрини танлаганларининг сабабини шундай тушиунирадилар: “Бундай зикр услубини танлаганимизнинг сабаби шулки, токи ухлаганлар уйғонсин. Алар фафлатдан кутилиб, шарифату тариқат қонунларига доимий бўйсунувчи бўлсинлар. Ҳақиқий тъобе шарафига мусассар бўлиб, икки дунё саодатига етишсинглар”.

“Кимнинг бундай зикрга амал этишга ҳақ-хуқуқи бор?” - деган саволга ул зот шундай жавоб берган эканлар: “Алония зикри билан шундай киши машҳур бўлсинки, унинг тили ёлғон гаплардан ва фийбатдан пок, оғзи ҳаром ва шубҳали таомдан пок, дили риёдан пок, қулоги ҳаром-ҳарис, беҳуда сўзларни эшитишдан пок, боши Аллоҳ таолодан бошига зот хаёлидан пок бўлиши лозим!”

«Рашаҳот»да айтилганки, Ҳожа Маҳмуд Анжир Фагнавийдан Мир Қулолгача ўтган хожагон-нақшбандия тариқати машойихлари хуфиёна (қалбда овоз чиқармай) ва жаҳрия (баланд товушда) зикр этишга баравар амал қилишган. Ҳожа Баҳоуддин эса хуфиёна зикрни давом эттирганлар.

Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг «Мақомоти Ҳожа Абдулхолиқ Фиждувоний» китобида “ҳар гал Ҳожа Маҳмуд Анжир Фагнавий: «Ё Раббий!» – десалар, Ҳазрат Борий таолодан: «Лаббайка, ё ади!» (Лаббай, эй менинг бандам!) деган бевосита жавобни эшитардилар”, деган маълумот келтирилган.

Худди шу «Мақомот»да баён қилинишича, Шайтон алайҳи лаъна Ҳожа Маҳмуд Анжир Фагнавий ёнларида ўн икки йил, бу зоти шарифни йўлдан оздирман, деб ният қилиб юради. Иттифоқо, бир кун ярим тунда Ҳазрат Ҳожа Маҳмуд Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний мозорлари зиёратига келдилар. Шайтон а.л. қўлига шамни олиб, у кипидан олдин борар эди. Шайтон а.л. фурсатни ганимат билib савол берди: «Сулукда қирғ сайдининг миқдори ҳанча бўлгай?» (Бундай саволдан мақсад шу эдики, Ҳожа Маҳмуд: «Бир ман!»- деб жавоб берсинлар. Зоро бу ерда «ман» ҳам ўлчов бирлиги, ҳам манманлик маъносида келади. Шайтон а.л. бундай жавобдан сўнг Ҳожани мазах қилиб: «Тариқатда ҳали хом экансиз, вояга етмаган экансиз!» демоқчи эди.) Ҳазрат Ҳожа Маҳмуд Шайтон а.л.нинг фаразли ниятини сезиб, дедилар: «Саккизта беш сайд бўлгай!» Бундай жавобни кутмаган Шайтон а.л. тупроқни бошига сепиб, наъра уриб, фарёд қилиб деди: «Ўн икки йилдан бери зўр уриб, бу кишини йўлдан оздиролмадим, ҳийла-найрангларим ўтмади. Энди бу ерда қолишим бефойда!»

Манбаларда ёзилишича, Оллоҳ таоло Хожа Маҳмудга қўплаб камоматларни ато этган. Ул зоти шариф зарурат бўлганда улкани қўши шаклига кириб, керакли манзилга бир зумда учариб борар эканлар.

Маҳмуд Анжир Фагнавийнинг қўплаб шогирдлари бор эди. Хожа Мири Хурд Ҳазрат Апжир Фагнавийнинг биринчи халифалари бўлганлар. Хожа Мири Хурднинг исмлари Амир Ҳусайндир. Хожа Мири Хурднинг акалари Амир Ҳасан бўлиб, Мири Калон номи билан машҳур. Лекин Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фагнавий вафотларидан сўнг халифалик Мири Хурдга насиб этади.

Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнул ҳаёт» шунингдек, Носириддин Тўранинг «Туҳфат аз зоири» асарларида ёзилишича, Мири Хурднинг қабрлари Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий мақбараларининг супасидадир. Бу зоти шариф 1319 йил марҳум бўлганлар. Айни шу кунларда улуғ пир Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий мақбараларининг кун чиқар томонида Мири Хурднинг ҳам қабрлари бор.

Хожа Муҳаммад Ширин Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Ахсавий(ваф.1601)ниг машҳур муридларидан бўлиб, Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавийнинг авлодлари ҳисобланадилар (“Туҳфат аз зоирин”, 117-бет). Хожа Муҳаммад Ширин бир неча йил Ҳазрат Шоҳ Ахсавийга хизмат қиласидилар ва у кишининг вафотларидан сўнг соликларнинг раҳбари бўлдилар. Хожа Муҳаммад Шириннинг қабрлари Қоракўл туманидадир.

Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий 1286 йил вафот қиласидилар ва у кишини туғилган қишлоқларида дағн қиласидилар. Шўролар замонасида Хожа Маҳмуд зиёратгоҳлари қаровсиз, хароб эди. Истиқлол шарофатидан юртимиздаги бошқа зиёратгоҳлар қаторида Ҳазрат Маҳмуд Фагнавий мажмуналари ҳам обод этилди. Бу ерда янги дарвозахона, мақбара, жомеъ масжид, қудуқ, ҳовуз, катта боф барпо қилинган. Бу мажмуя таниқли архитектор М.Қ.Ахмедов лойиҳаси асосида бунёд этилди.

ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ

4. Хожа АЛИ РОМИТАНИЙ қ.с. – Хожаи Азизон номи билан машҳур. Бу зоти шариф Ромитанийнинг Қўргон қишлоғидаги туғилганилар. Ҳазрат Азизоннинг кўйичаги рӯбобийлари бундан даюлат беради.

*Хоҳики ба Ҳақ раси, биё Ромитан,
В-андар талаби дўсти, биё Ромитан!
Хоҳики мадад аз руҳи Азизон ёби,
Пой аз сари худ созу биё Ромитан!*

Таржимаси:

*Ромитанга кел, Ҳаққа етмоқ истасанг,
Ромитанга кел, дўстни тутмоқ истасанг!
Кел, бошингдан оёқ ясаб, аё дўст,
Гар Азизон руҳин шод этмоқ истасанг.*

Мақомотлари ғоят олий, қароматлари бисёр, қасблари тўқувчи бўлган. Хожа Али Ромитанийнинг вафотлари санаси Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида 1310 йил, Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд» асарида эса 1321 йил деб кўрсатилган. 130 йил умр кўриб, Кўҳна Урганжда вафот этадилар. Қабрлари Кўҳна Урганжда обод зиёратгоҳдир. Хожа Али Ромитаний туғилган Қўргон қишлоғида табаррук зиёратгоҳ- рамзий қабрлари бор. Бу ер ҳам айни кунларда обод зиёратгоҳга айлантирилган. Бу зоти шариф “Силсилаи шариф”да ўн учинчи ҳалқанинг пири муршиди ҳисобланадилар. Хожа Али тариқат сабогини Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавийдан олганлар. Манбаларда таъкидланишича, Хожа Али нуроний юзли, ўрта бўйли, барча аъзолари бир-бирига мутаносиб киши бўлганлар. Дунё бойлигига ҳеч илтифот этмас, фақирликни улуг давлат деб билардилар.

А.Навоий «Насоимул муҳаббат»да ёзадилар: “Алар (яъни Хожа Али) Хожа Маҳмуд халифасидинурлар ва силсилада аларнинг лақаби Ҳазрати Азизондур ва аларга олия мақомот ва зоҳира қаромот кўп экандур ва тўқимоқ санъатига машғул бўлур эрмишлар ва Ҳазрат Маҳдумким (яъни Абдураҳмон Жомий) “Нафоҳатул унс” китобининг мусаннифидурлар, мундоқ дебтурларким, манга баъзе акобирдин мундоқ истемов тушубдурким, ишорат аларгадур. Улки Ҳазрат Мавлоно Румий дебтурларким:

*Гарна илми ҳол фавқи қол будй кай шуди,
Банда азёни Бухоро Ҳожаи Нассожро”.*

(А.Навоий, 17-том, 255-256-бетлар)

Яъни ҳол илми қол илмидан устун бўлганлигига боис Бухоро аҳли Ҳожаи Нассож (тўқувчи Хожа Алига)га эргашди, тобеъ бўлди.

Ж.Румийнинг байтларидан маълум бўлганини, Хожа Алиниңг овозалари Румгача (яъни Туркиягача) етган экан ва Румий Хожа Алига ҳурмат-эҳтиромларини шу байтлар орқали билдирганлар.

Хожа Алиниңг Хожа Муҳаммад ва Хожа Иброҳим исмли ўғиллари бўлган.

Хожа Али ар Ромитанийнинг тўртта машҳур халифалари бўлиб, ҳаммаларининг исмлари Муҳаммад эди: Хожа Муҳаммад Куюлоҳдўз, Хожа Муҳаммад Ҳаллож, Хожа Муҳаммад Бовардий, Хожа Муҳаммад Самосий.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Азизонга Хоразмга бормоқ ва у ердагиларни дину диёнатга даъват этмоқ ҳақида ишорат бўлади. Ҳазрат бир гуруҳ муридлари билан бирга Хоразмга равона бўладилар. Хоразм шаҳри дарвозасига етганларида тўрт нафар муридларига: «Хоразмшоҳ ҳузурига бориб, “Бухородан тўқувчи бобомиз келганлар. У киши Хоразм шаҳрига кириб шу ерда истиқомат қилмоқчи, руҳсат борми ёки йўқ?” денглар. Агар шоҳ: «Руҳсат!»-деса, дарҳол қоғозга руҳсатномани ёздириб, муҳрлаб олинг», дейдилар.

Дарвешлар шоҳ ҳузурига бориб, ушбу гапларни айтганида сарой аҳли уларнинг устидан роса кулибди: «Дарвешлар кўп содда одамлар-да, ахир, шаҳар дарвозалари ланг очиқ бўлса, киравермайсизларми? Бу учун Хоразмшоҳнинг руҳсати даркор эмас. Боболарингизга бориб айтинг, “Хоразм у кишига пешкаш қилинди, истаган дарвозасидан кириб, истаган жойларида истиқомат қилишлари мумкин, қанча мато тўқисалар ҳам ихтиёр ўзларида!»-дебдилар. Улар кулиб бўлганларидан сўнг дарвешлар дебди: «Подшоҳи олам, бизга ёзма руҳсатнома керак, токи унда муҳрингиз ҳам босилган бўлсин. Пиримиз шундай топшириқ берганлар!»-дебдилар жиддийлик билан. Бу гапларни эшитиб шоҳу сарой аҳли яна дарвешлар устидан қула бошлабди. Хоразмшоҳ қула-кула: «Бу тўрт дарвешга тўртта бир мазмундаги руҳсатнома ёзиб беринг. Мен муҳрни босаман. Токи улар бемалол Хоразмга кириб, то ўла-ўлгунча истиқомат қилсунлар!»-деб, тўртта руҳсатномага муҳр босиб берибди. Ушбу руҳсатномаларни олиб Ҳазрат Хожа Али Хоразмга кирибдилар ва бир ҳовлини ижарага олиб, тўқувчилик дастгоҳини ўрнатиб, муридлари билан иш бошлабдилар. Матоларни бозорга сотгандан сўнг мардикор бозорига бориб, бешта мардикорни уйга олиб келибдилар. Мардикорлар: «Тақсир, лой қорайликми, фишт терайликми?»-деганларида, Ҳазрат Азизон уларга: «Ҳамма нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калитини биласизларми?»-деб сўрабдилар. Улар: «Йўқ,

тақсир!»-дэйишибди. Хожа Али: «Жаннат дарвозалари калитини қўлларингизга тутқазсак, оласизларми?»-дебдилар. Улар чин дилдан: «Ҳа, тақсир!»-дэйишибди. Хожа Али дебдиларки: «Жаннатнинг калити намоздур! Лекин намознинг ҳам калити бор. Уни биласизларми? У таҳоратдур!» Улар: «Бизга ҳар иккала калит ҳам даркор экан!»-дейдилар. Шундан сўнг Ҳазрат Азизон ул мардикорларга пешингача таҳорат қоидаларини ўргатадилар. Пешин намозини адо этгандан сўнг намознинг фарзу суннатлари, вожибларидан сабоқ берадилар. Намознинг шарофатидан амри маъруф этадилар. Хуллас, мардикорлар уч маҳал овқатни еб, келишишлган пулни олиб, асрдан сўнг уйларига равона бўладилар. Ҳазрат уларга: «Эртага биродарларингиз билан бирга келинглар, яна хизмат бор!»-дейдилар. Эртаси улар ўн киши бўлиб келади. Қисқаси, аста-аста Хожа Али атрофларида бир неча минг киши йигиладиган бўлади. Уларнинг қалбига илоҳий нур иниб, ҳаммалари Хожа Алига мурид бўладилар, тоатли, тақводор бандаларга айланадилар. Ҳам касбу ҳунар ўрганиб, ҳам шариат аҳкомларидан сабоқ олиб, кундан-кунга неъматлари зиёда бўла бошлади.

Сохта олим, шуҳратпараст шайхларнинг ҳасади келиб, Хожа Али ҳазратлари устларидан Хоразмшоҳга шикоят этибдилар. Улар: «Олампаноҳ, юрт нотинч бўляпти. Айрим кишиларнинг таноби тортилмаса, тожу тахт хатарда!»-дебдилар. Шоҳ: «Хўш, ул бузгунчи ким?»-деб сўраганда, улар дебди: «Хожа Али Ромитанийдурким, Бобойи Бухоройи номи бирлан машҳур. Ул Бобо юрт осойишталигига, салтанатта хатардир!» Ушбу гапдан шоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулибди: «Ахир у мункиллаб қолган чолнинг қўлидан не иш келарди. У тун-кун тўқувчилик этиб юрибди. Менинг хуфияларим ҳамма вақт Хожа Алининг хонақоҳида кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Хожа Алининг оғзидан салтанатта қарши бирор оғиз гап чиққани йўқ. Сизлар бисёр ваҳимачи бўлибсизлар. Хожа Алида на кучу қувват, на қурол аслаҳа, на тожу тахтга датъо бор!» Шоҳнинг бу гапларига ҳасадгўйлар эътиroz билдириб дебдилар: «Олампаноҳ, сизнинг аскарларингиз сонидан Хожа Али муридларининг сони ўн баробар бисёрдур. Хожа Али бир ишорат этса, муридлари қуролланиб, тожу тахтни эгаллаши ва уни истаган кишига олиб бериши мумкин!».

Хоразмшоҳга уларнинг бу далиллари таъсир этибди ва дебди: «Хўш, тадбир не?» Улар: «Олампаноҳ, Хожа Алига, энди Бухорога қайт, дейилса олам гулистон. Амри подшоҳ вожибдур. У Бухорага муридлари билан бирга равона бўлгай. Қарабисизки, юрт хавфу

хатардан қутилибди!»-деб шоҳга маслаҳат берадилар. Бу тадбир шоҳга манзур бўлибди-ю, Хожа Али ҳузурларига навкарларини юборибди. Хожа Али ул навкарларга бундан бир неча йил муқаддам Хоразмшоҳ муҳр босиб берган рухсатномани бериб, дебдилар: «Ушибу рухсатномани Хоразмшоҳга кўрсатинг, агар муҳр у кишиники бўлса, бизни Хоразмдан ҳайдамоққа ҳеч кимнинг ҳақ-хуқуқи йўқ. Агар муҳр у кишиники бўлмаса, биз ҳозироқ Хоразмни тарк қўлурмиз!». Хоразмшоҳ ўзи берган рухсатномани кўриб, Хожа Али ар-Ромитанийнинг кароматларидан ҳайратланибди ва дарҳол Хожа Али ҳузурларига яёв бориб, ул зоти шарифдан узр сўрабди. Ҳазратга мурид бўлиб, рост йўлдаги соликлар сафидан жой олибди.

Манбаларда Хожа Али Ромитанийнинг соҳибкаромат валиюллоҳ бўлганларини тасдиқловчи яна бир қатор нақуллар келтирилган. Жумладан, «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд» китобида ёзилишича, Рамазон ойида бир кун Хожа Азизонни ўн саккиз жойга ифторга таклиф қалибдилар. Хожа ҳаммасига бормоққа ваъда берибдилар ва бир вақтнинг ўзида ўн саккиз жойда бўлиб, ифтор этибдилар.

Хожа Али Ромитанийнинг «Рисолаи Азизон» китоблари машҳур. Бу китоб форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиб нашр қилинган.

Қўйидаги ҳикматлар Хожа Али Ромитанийга мансуб:

- Агар ер юзида Абдулхолиқ Фиждувоний фарзандларидан бири бўлганда эди, Мансур Ҳаллож асло дорга осилмас эди.

- Ер бу тоифа (яъни сўфийлар) кўзида бир дастурхон кабидур.

Ҳазрат Хожа Алидан сўрадилар: «Иймон надур?» Ул зот дедилар: «Узмоқ ва уламоқдур!». Хожа Али Ромитанийнинг бу сўзларида икки маънога ишора бор. «Узмоқ ва уламоқ»дан рамзий маъно шуки, солик дунёдаги ўткинчи орзу ҳаваслардан, беҳуда хаёллардан кўнглини узсин ва кўнглини Ҳақ таолога боғласин. Шундан кейингина ҳақиқий иймонга сазовор бўлади, иймон лаззатини татиб кўради. Иккинчи маъно Ҳазрат Азизоннинг тўқувчилик касблари билан боғлиқ. Тўқувчи ипни узиб, сўнг бир-бирига боғлаб қўйсагина мато ҳосил бўлур. Ҳазратнинг ўз касблари асосида айтилган «узмоқ ва боғламоқ» ҳикматлари мана шу икки маънони ўзида мужассам этган.

- Икки ҳолатда: овқат тановул қилаётганда ва гапираётганда ўзингизни тута билинг!». Бу ҳикматда овқатланиш ва гапириш одобига риоя қилишни улуғ зот буюраяптилар. Овқатни ғафлат билан истеъмол қилиши, овқат истеъмол қилаётганда беъмани сўзларни гапириш, шошилмоқ ёки оғиз тўла овқат билан гагирмоқ, кулмоқ - одобсизлик ҳисобланади. Овқат емоқдан мурод – унинг қувватини тоат – ибодатга, ҳалол меҳнатга сарфламоқдир. Шу боис овқатни огоҳлик билан ейиш лозим. Ҳазрат пири муршиднинг ақидаларига кўра ғафлат билан овқат тановул қилинса, унинг қуввати гуноҳ ишларга сарфланади. Огоҳлик, бу ризқни берувчи Аллоҳ эканини билмоқ ва унга шукронга этмоқ, инчунин, таомни «Бисмиллоҳ» айтиб тановул этмоқ. Огоҳлиҳ - бу луқмаи ҳалолни емоқ, шубҳали таомдан сағланмоқдир.

- Гуноҳ қилмаган тил билан дуо айтинг, шунда дуонгиз изжобат бўлур. Яъни Аллоҳнинг дўстлари (валийлар)га тавозе ва ниёзмандлик этинг, уларнинг хизматини қилиб, кўнглини топинг, токи улар сизнинг ҳаққингизга дуо қилсинлар!

Муҳаммад Хоразмий Арзангийнинг «Шарҳи Рисолаи Азизон» асарида Ҳожа Али Ромитанийнинг қуидаги қаромат ва ибратли фазилатлари нақл қилинади: «Ҳожа Али Ромитаний кечки пайт мато сотиладиган бозорга бориб, бозорбоп бўлмагани туфайли со-тилмай қолиб кетган ипакларни харид қиласар эканлар. Ўзлари тун бўйи уйнинг бир бурчагида тоат-ибодат билан машғул бўлар, олиб келган ипаклар эса ўз-ӯзидан тўқилиб, мато ҳолига келар, бу ишни файб эранлари бажарар эканлар. Ҳожа бу матоларни сотиб фойдасини гариб, етим – есир, толиби илм, дарвешларга берарканлар. (А.Фиждувоний, «Мақомоти Юсуф Ҳамадоний», Т. «Янги аср авлоди», 2003 йил, 44-бет)

- Дунё ва охират опа-сингилга ўҳшайдур. Бир киши бир вақтда опа-сингил билан никоҳ қура олмайди. Дунё ва охират севгиси ҳам бир қалбда жо бўлолмайди. Ҳолбуки, иккови ҳам маҳлуқ. Шундай экан, Яратувчи билан яратилмишга бўлган севги бир жойда жамланмайди.

- Ҳожа Али ар Ромитанийнинг ўғиллари Ҳожа Иброҳим отасидан сўради: «Мансури Ҳаллож «Анал ҳаф» (Мен Ҳақман) деди, уни шу гапи учун қатл этдилар. Боязид Бастомий: «Хирқам ичида Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса йўқ!»-деди, унга бу гапи учун ҳеч нарса айтмадилар. Бунинг ҳикмати не?» Ҳожа Али дедилар: «Мансури Ҳаллож «ман»ликни, Боязид Бастомий эса «йўғаликни илгари сурди. Шу боис Мансур мусибатга йўлиқди, Боязид омонлиқда қолди.»

Ҳожи Тешабобо Нақибандийнинг айтишларича, Нақибандхон ибн Султонхон Ҳожа Али ар Ромитанийниг авлодларидан бўлганлар.



Хазрат Абдухолик Фижедувоний мажмуаси



Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревварий



Хожа Маҳмуд Анжир Фагнавий маҗсмуаси



Хожа Али Рометаний мақбараалари



Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий мажмуаси



Сайид Амир Кулол хобгоҳлари



Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси



Етти пир зиёратгоҳлари харитаси

Нақшбандхон ибн Султонхон Мири Араб мадрасасини ҳитм қилганлар. Шариат илмини пухта әгаллаган, зиңдерди, шуерди, сабру қаноатда уламолар пешвоси бўлганлар. Хотинлари ин фарзандлари вафот этгандан кейин қайта уйланмаганилар. Бухоро шаҳрида кичкина бир ҳужрада ёлғизликда фақирона яшаганилар. 1958 йилда вафот қиласидилар. Қабрлари Ҳазрат Имом Ҳожатбарор хонақоларининг қибла томонидадир.

Хожа Али Рометаний рубойиларидан

* * *

Бирор билан сұхбат этдинг, ҳар сафар –
Қалбинг ғаш бўлдию, сұхбат – бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени,
Ундейлар ёнидан қочмасанг агар.

* * *

Ул Оллоқим тану жонни яратди,
Ҳар аъзони бир хизматта қаратди,
Тилда иллат кўрди-ю, этди тутқун,
Оғиз – зиндон, тилни анда қаматди.

* * *

Бечора дилим ошиқи рўйинг эрди,
То субҳача муқими кўйинг эрди.
Чавгони зулфининг ҳолдин ҳолга
Элтар дилим, дил мисоли гўйинг эрди.

* * *

Гар зикр дилга етса, дилинг дард қилгай,
Ул зикр эрдики, мардни фард⁴ қилгай.
Ҳарчандки, зикр хосияти оташдур,
Лекин икки жаҳонни дилингда сард⁵ қилгай.

⁴ Фард - ягона

⁵ Сард – совуқ.

* * *

Жонинг вужуд ичра қамалган қушдир,
 Ганимат бил уни, асрагил ҳар он.
 Оёғидан боғлаб қўймасанг агар
 Учиб кетса, қайтиб келмагай, инон.

Қўйидаги мисралар Ҳожа Али ар Ромитаний вафотларига бағи-
 шлаб ёзилган:

Хафтсаду понздаҳ зи ҳичрат буд,
 Бисту ҳафтум зи моҳи Зулқъда.
 К-и Жунайди замону Шибли вақт
 З-ин саро рафт бар сари парда.

Яъни замонанинг Жунайди, вақтнинг Шиблийси ҳисоблан-
 миш Ҳожа Али ҳижрий 715 йил, Зулқаъда ойининг 2 куни вафот
 қиласидилар. Бу сана мелодий 1310 йилга тўғри келади. Ҳожа Али
 туғилган Ромитанинг Қўргон қишлоғидаги зиёратгоҳ истиқлол
 йилларида обод этилди. У ерда янги мақбара, масжид, меҳмон-
 хона, ҳовуз, дарвозахона бунёд этилди. Ҳожа Али ар Ромитаний
 зиёратгоҳлари қадимги Ромитан Қўргонининг қибла томонида
 жойлашган.

ҲОЖА МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ

5. Ҳожа МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ қ.с. – 1259 йил Ромитанинг Самос қишлоғида туғилганлар. 1354 йил вафот қиласидилар. Қабрлари Самос қишлоғида. Айни шу кунларда бу жой обод зиёратгоҳга айлантирилган.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Бобойи Самосийнинг оталари – Сайид Абдуллоҳ бўлиб, ул зоти шариф шариату тариқат илмидан воқиф эдилар. Ҳазрат Бобойи Самосий буғдой ранг, фоят нуроний, ўтқир назарли зот бўлганлар. Соҳибқаромат, валиюллоҳ, буюк аллома “Силсилаи шариф”даги 14-ҳалқанинг пири муршиди Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий тариқат сабогини Ҳазрат Азизон – Ҳожа Али Ромитанийдан олганлар.

Бобойи Самосийнинг касблари дечқончилниң бўлгани. Ҳазрат нинг кароматлари ва нек хулқлари ҳақида «Мақомоти Амир Кулол», «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд», «Туҳфат аз зоирин» ва боинъ манбаларда зикр қилинган.

Ҳазрат Мұхаммад Бобойи Самосийнинг жуда күп мурид — шогирд ва издошлари бўлган. Уларнинг энг етуклари қуйидагиларидир: Хожа Мұхаммад Сўфий, Хожа Мұхаммад Самосий (бу кини Бобойи Самосийнинг ўғиллари), Ҳазрат Мавлоно Али Донишманд, Ҳазрат Сайид Мир Кулол.

Нақл қилинишича, Хожа Мұхаммад Самосий бир гуруҳ муридлари билан Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувондан ўтиб кетаётганда: «Бу тупроқдан бир эр иси келмоқда, шу зот баракотидин Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонга айлангай», — дебдилар. Ўша пайтда ҳали Ҳазрат Баҳоуддин туғилмаган, балки оналарининг қорнида эканлар. Бир неча вақтдан кейин Қасри Ҳиндувондан ўтганда: «Ҳалиги эрнинг иси ортиқроқ бўлибди», дейдилар. Дарҳақиқат ўшанда Ҳазрат Баҳоуддин таваллуд топгандарига уч кун бўлган экан. Уч кунлик Баҳоуддинни Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилиб, Мир Кулолга Баҳоуддин тарбияси билан шуғулланишини топширадилар

Ҳазрат Баҳоуддиннинг боболари Ҳазрат Самосийнинг муҳиблари эдилар. Ул зотнинг кўнгилларида неваралари Баҳоуддинни Ҳазрат Бобойи Самосий ҳузурларига элтиш нияти ўтади ва ниёзмандлик илиа невараларини Бобойи Самосийнинг ҳузурларига элтадилар. Бобойи Самосий: «Бу гўдакни биз фарзандликка қабул этдик. Биз ҳидини туйган эр шудир. Умид улки, бу фарзандимиз рўзгор муқтадоларидан бўлгай!»- дейдилар. Сўнг Сайид Мир Кулолга хитоб қилиб айтадилар: «Фарзандим Баҳоуддиндан шафқат ва меҳрингни дариф тутмагайсан. Агар бу ишда тақсир этсанг, сени асло кечирмасмен». «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича, шу замондан бошлаб Ҳазрат Баҳоуддинда Бобойи Самосийнинг муборак нафаслари аломатлари кўрина бошлайди. Ҳазрат Баҳоуддиннинг ботинларида бир нур пайдо бўлади ва болаликдан у кишида ажойиб ва гарайиб кароматлар содир бўла бошлайди. “Мақомот”да мана бу маълумот ҳам келтирилади: Ҳазрат Баҳоуддин дейдилар: «Ёшим ўн саккизга етгач, мен фақирини ўйлантиримоқчи бўлдилар ва бобом мени Самосга – Хожа Бобойи Самосий ҳузурларига юбордилар. Токи Ҳазрат Хожа Бобоининг муборак қадамлари бизнинг манзилга етсин ва бу маросим ул зот назари поклари остида ўтсин. Ҳазратининг нуроний дийдорлари менга

насиб этди. Биринчи каромат ўша кечаси ниёзмандлик ва тамом тазарруъ билан Ҳазрат пиrimнинг сухбати шарифларидан пайдо бўлган эди: ўрнимдан турдим ва ҳазрати пиrimнинг масжидларига бордим, унда икки ракат намоз ўқидим ва бошимни саждага қўйиб тамоми ниёзмандлик ила ўз-ӯзимга дедимки: «Илоҳо, бало юкингни кўтармоққа менга қувват бер ва муҳаббатинг меҳнатини чекмоққа ўзинг таҳаммул ато айлагайсен!».

Бомдод вақти Ҳазрати Бобо ҳужраларида ҳозир бўлганимда ул зот менинг кўнглиминдан кечган дуони каромат ила пайқаб, дедиларки: «Эй, фарзанд, дуони бундоқ қилмайдурлар, балки: «Илоҳо сенинг ризоинг недур – анда мени тут!», дерлар. Чунки Аллоҳ таоло ўз ҳикмати билан дўстларидан бирига балое юбормоқчи бўлса, ўз инояти билан ул балони кўтариш қувватини ҳам ато эттай ва бунинг ҳикматини унинг ўзига зоҳир айлагай. Ихтиёр ила бало сўрамоқ жоиз эрмас, бу густоҳликдур!»

Андин сўнг таом ҳозир қилинди. Тановулдан сўнг Ҳазрат менинг қўлимга нон тутқазиб: «Буни эҳтиёт қилиб тут!» дедилар. Шунда менинг хаёлимда: «Ҳозир-ку тўйиб овқатландик, бу нонга не зарурият бор эркан?»- деган фикр кечди. Ҳазрат Ҳожа Бобойи Самосийга кўнглиминдан кечган фикр аён бўлди ва менга дедилар: «Бу нонни эҳтиёт қил. Беҳуда фикрларни кўнглингдан чиқариб ташла, хаёлингни паришон этма, уни жиловлаб тур!»- дедилар.

Шундан сўнг бир дарвеш кулбасига етдик. Ул дарвеш Ҳазрат Ҳожа Бобони бениҳоя хурсандлик ва ниёзмандлик ила кутиб олди. Кулбага киргач, дарвеш чеҳрасида изтироб пайдо бўлди. Ҳазрат дедиларки: «Рост айтгил, изтиробинг боиси недур?» Ул ниёзмандлик ва хижолат билан деди: Уйда сут бисёр, лекин нон йўқдур. Ҳожа Самосий менга ишорат қилиб дедилар: «Нонни дастурхонга қўйгилки, иш берди!» Алҳақ шул воқеалардан сўнг менинг Ҳазрати пиrimга бўлган муҳаббатим чандон зиёда бўлди...

Ҳазрат Ҳожа Бобойи Самосий Қасри Орифонга келдилар ва ўзлари совчиликка бордилар. Қуда тараф Ҳазратнинграйъларини қайтармадилар ва мен уйландим».

«Мақомоти Мир Қулол»да нақл қилинишича, Самос қишлоғида икки гурӯҳ орасида низо чиқиб, охирида муштлашибдилар. Натижада бир кишининг тиши синибди. Жабрланган томон, тишимиз хунбаҳосини ундириб оламиз, деб ҳокимга арз қилмоқчи бўлибди. Шунда орадан бир киши: «Бобойи Самосий Ҳазратларига мурожаат этайлик, у киши не десалар шуни қиласайлик. Зеро, у кишидан маслаҳат олмай ҳокимга бориш гуноҳ бўлур», –

дебди. Унинг бу фикри ҳаммага маъқул бўлибди. Ҳазрат Бобойи Самосий синган тишни олиб Мир Кулолга бернибдилар бўл «Эй фарзанд, сиз шундай бир иш қилингки, орадаги ишю йўқо син!» – дебдилар. Мир Кулол жабрдийда оғзига тишни урнитиб, Оллоҳ таолодан мадад, пирлардан истионият тилаб, дуо ғидди дилар. Тиш асли ҳолидай бўлиб қолибди. Бу ҳолни мушоҳиди этиб, икки гуруҳ бир-бири билан ярашиб, тавба шарафиги муяссар бўлибди.

«Мақомоти Сайд Мир Кулол»да ёзилишича, Мир Кулол Ромитанда кураш тушар, Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий эса девор соясида ўтириб, майдондагиларни тамоша қилиб турганларида маҳрамларидан бири сўрайдики: «Эй Маҳдум! Бу одамлар бидъат иш билан машғул, сиз эса ҳайратланиб тамоша қиляпсиз. Бунинг боиси не?» Бобойи Самосий дедилар: «Эй фарзанд! Бу майдонда бир мард борки, ўзи саййидзода (яъни пайғамбаримиз с.а.в. авлодлари) бўлиб, анинг суҳбатидан барча комил инсонлар баҳраманд бўлғусидир. Биз шу мардни кутиб ушбу ерда турибмиз, зеро унинг парвози гоят баланд, мақоми ҳам олийдур.»

Баногоҳ Сайд Мир Кулол назарлари Бобойи Самосийга тушиб, ошиқ ва ошуфта юрак Ҳазрат Бобо тўрига сайд бўлди ва майдонни тарқ қилдилар. Бобойи Самосий Сайд Мир Кулолни фарзандликка қабул этиб, ул зотга тариқат одобидан сабоқ бера бошлайдилар. Шу кундан эътиборан Сайд Мир Кулол қайта кураш майдонига чиқмадилар.

Жомийнинг «Нафоҳатул унс» китобларида таъкидланишича, Бобойи Самосий ўз кулоҳларини Баҳоуддин Нақшбандга берадилар. Оллоҳ шу кулоҳ шарофатидан Баҳоуддинга балогардонлик кароматини ато этган экан.

САЙИД АМИР КУЛОЛ

6. Сайд АМИР КУЛОЛ қ.с. – асли исмлари Сайд Амир Калон бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида тугилганлар. Бу зот тахминан 1287 йилларда дунёга келганлар. Кулолчилик билан шуғулланганларни сабабли Мир Кулол номи билан машҳур бўлганлар. Мир Кулол “Силсилаи шариф”даги ўн бешинчи ҳамиянинг пири муршиди ҳисобланадилар.

Мир Кулолнинг Сайид Амир Бурҳон, Сайид Амир Ҳамза, Сайид Амир Шоҳ, Сайид Амир Умар исмли фарзандлари бўлган. Мир Кулолнинг бир ўн тўртта авлиё бўлган халифалари бор эди. Энг етуклари: Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Валий, Шайх Жамолиддин Деҳаи Осиёи, Шайх Шамсиддин Кулол, Хожа Дарзуний.

Амир Кулол ҳазратлари катта ўғиллари Амир Бурҳонни Ҳазрат Баҳоуддинга, иккинчи ўғиллари Амир Шоҳни Ҳазрат Шайх Ёдгорга, учинчи ўғиллари Амир Ҳамзани Мавлоно Ориф Деггаронийга ва тўртинчилари Амир Умарни Мавлоно Жамолиддин Деҳаи Осиёйга топширадилар.

Сайид Амир Кулолнинг тариқатдаги пирлари Ҳазрат Бобойи Самосий ҳисобланадилар.

Сайид Мир Кулол ҳақларида чеваралари Шаҳобиддин «Мақомоти Амир Кулол» китобини ёзган. «Мақомоти Амир Кулол» да ёзилишича, Ҳазрат Мир Кулолнинг оналари дер эканлар: «Амир Кулол қорнимда эканлигига шубҳали луқма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриқ пайдо бўлардики, ҳатто ҳушдан кетаёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим барокатидан экан».

«Мақомоти Амир Кулол»да нақл қилинишича, Ҳазрат Мир Кулол мужаррад (бўйдоқлик) даврларида Ромитан туманидаги боғларнинг бирида ўз тенгқурлари билан иттифоқ бўлиб чопонларини ювибдилар ва биродарларига айтибдиларки, эй ёронлар, чопонларни пахса девор устига қўймайлик, чунки у ердаги тиканларга озор беришур. Зинҳор дараҳтлар шохига осмайлик, шохлар эгилиб, жабр бўлур. Заминга ҳам ташламайлик, ўт-ўланлар хароб бўлур. Бу гапларни эшитиб, не қиларини билмай қолган биродарлар сўрабдики: «Амир, сиз чопонингизни қандай қилиб қуриласиз?» Ҳазрат дебдилар: «Мен чопонимни устимга ташлаб, офтобруядга ўтираман ва шундай қилиб қуритаман. Эй ёронлар, агар пахса девордан бир парча узилиб ерга қулласа ё дараҳт шохи синса, ё чорвá ейдиган ўтларга зарар етса, Худовандга не узр билдиурмиз? Зинҳор номашшуъ (шариатга зид) ишлар, кичик бўлса ҳам қилманг. Чунки кичик гуноҳ тақрорланаверса, дўзахга олиб борур. Пайғамбар с.а.в., истиғфор (кечирим сўраш) билан катта гуноҳлар ҳам кечирилади, мутасил қилинаверилса, кичик гуноҳлар ҳам каттага айланади, деганлар».

Ҳазрат Амир Қулол дейдиларки, то тақво (парҳез)ни рўзгорингиз шиори этмасангиз, Оллоҳ таоло сизга тўғри йўл эшигини очмайди.

Ҳазрат Сайид Мир Қулол қўйидаги байтни тез-тез шогирдларига ўқиб берар эдилар ва унга амал этмоқликни улардан талаб қиласардилар:

*Маёзор мўру маёзор кас,
Рахи расстакори ҳамин асту бас!
Таржимаси:
Агар нажомт топай десанг, аё ёр!
Ҳатто чумолига бермагил озор!*

Ҳазрат Амир Қулол дейдиларки, сиз бир сердарахт боққа кирдингиз, ҳар бир дараҳтнинг беҳисоб шоҳлари, ҳар бир шоҳнинг беҳисоб барглари бор ва ҳар битта баргда биттадан қуш қўниб, янгроқ ва фасеҳ овоз билан «Ассалому алайкум, эй валиюллоҳ!» –дэйишса, бу қанчалик ёқимли бўлмасин, сиз зинҳор бундан гурурланманг, шу заҳотиёқ ҳам зоҳир, ҳам ботинингиздан Оллоҳ таолодан қўрқув жой олсин. Гоҳо банда Оллоҳ таолодан шу қадар қўрқисинки, дўзах фақат мен учун бино қилинган, деган фикр унинг қалбida бўлсин. Ва гоҳо Оллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, шодлансин, зеро Худонинг наздида бутун олам гуноҳини мағфират қилиш душвор эмас.

Нақл қилурларки, Ҳазрат Сайид Мир Қулол асҳоблари билан Бухородаги жомеъ масжидга қараб кетаёттандилар. Йўл ёқасидаги далада дехқончилик қилаётган бир гулом бойдан сўради: «Бу ўтиб кетаёттандлар кимлардур?» Бой деди: «Булар текинхўр, нарзхўрлардур!» Унинг бу гапини эшитиб Ҳазрат Мир Қулол дедилар: «Эй ёронлар! Улуғ Ҳожамиз Ҳазрат Абдулхолиқ Фиждувоний қ.с. айтган эдиларки, кимеки дарвешларга ҳақорат назари билан қараса, то гаргин (оғир касаллик) дардига чалинмаса, дунёдан ўтмас».

Ҳазрат Мир Қулол асҳоблари билан намозни ўқиб қайтиб келаётганда не кўз билан кўрсингларки, ул бой худди олов ичиға тушган каби талваса қилиб ётибди. Унинг кўзи Ҳазрат Амир Қулолга тушиши билан англадики, ўзига теккан ўқ Амир Қулол камонларига тегишлидир. Ва ўз гуломига ялинниб деди: «Мени ул Ҳазратнинг оёқлари остига элтинг, шоянд авф этсалар!» Гулом бойни кўтариб Ҳазрат Сайид Мир Қулол ҳузурларига олиб борди ва

нажот талаб қилди. Ҳазрат Мир Кулол афсусланиб дедилар: «Бу ўқнинг давоси йўқ. Тезроқ уни уйига элтинглар!» Дарҳақиқат, бой хонадонига етмасдан жон таслим этди.

Бир куни Хожа Бобои Самосий асҳобларидан бири Амир алайҳир раҳмадан авлиёлар қароматлари тӯғрисида сўрабдилар. Ҳазрат Мир Кулол ўша пайтда мабдаи ҳол (дарвишликнинг ибтидосида) эдилар. Жавоб бериб дедиларки: «Авлиёлар қаромати ҳам ақл, ҳам нақл жиҳатидан ҳақ ва ростдор. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ. Жуда кўп машойихлар гуруҳи аҳволидан бу ҳол маълум ва маъруф. Кимнингки, кўзи иймон нуридан мунаввар ва бу тоифадагиларга эътиқоди бўлса, уларнинг Сомирий(сөхргар)лардан эмаслигини яхши билади. Зоро, Сулаймон алайҳис салом қиссаларидан маълумки, ул зотнинг вазири: “мен сиз кўз очиб юмгунча Билқис тахтини ёнингизга олиб келурман”, демиш. Ваҳоланки, Сулаймон алайҳис салом вазирлари Сомирийлардан эмас эди. Амирал Мўъминин Умар Хаттоб разияллоҳу анҳум ҳадисларидан маълумки, Ҳазрат Умар Хаттоб минбарда хутба ўқиётиб, шу орада тўсатдан: «Тоққа чиқинг!» дея хитоб қиласидилар. Ироқдаги жиҳод йўлида турган ислом лашкарлари бу ҳайқириқни эшишиб тоққа ўрлаб кетадилар ва пистирмадаги душман галасига зарба берадилар. Дарҳақиқат, бундай қароматлар бисёрдир...”

Нақл қилинишича, Ҳазрат Амир Кулол йигирма беш йил давомида агар шом намозини Сухорда ўқисалар, хуфтон намозини Самосда адо этар эдилар, лекин ҳеч ким бу ишдан воқиғ эмас эди.

Нақл қилурларки, Ҳазрат Амир Кулол маърифатга мустағрақ бўлиб, ёронларига ҳаж этиш қисасини баён қиласар, мажлис аҳли Ҳазратни ҳайратланиб тингларди. Амир зиёрат этиш одоби, манзиллари ва уламоларнинг бу хусусдаги мухолиф фикрлари ва ё иттифоқлари, хуллас муқаддас ҳаж зиёратининг жамики икир-чикирларигача баён этардилар. Шу асно даврадагиларнинг бири кўнглида шубҳа ўтади: «Ахир, Ҳазрат Каъбатуллога боргандлари йўқ-ку! Ҳеч бўлмаса умрида бир марта Каъбани кўрган киши бу гапларни айтса, бошқа гап». Бир соат ўтар-ўтмас Ҳазрат Амир ташқарига чиқиб, ҳалиги одамнинг қўлидан тутиб, шундай хитоб қиласидилар: «Эй нодон, кўзингни оч ва юқорига назар сол, тамоша қили!» У юқорига қараса Амир бошлари устида Каъбатулло жилва қилиб турибди ва Амирни тавоф этяпти. Ҳалиги киши бу ҳолни кўриб мушоҳада этгач, Амир оёқлари остига ўзини ташлаб тавба қиласиди. Амир буюрдиларки: «Эй нодон қай бир кимсаки, ўзида ҳеч

вақое йўқ, бошқаларда ҳам ҳеч нима йўқ деб гумон қилиур. Шунин унумтагилки, то ҳақиқий кўз (ботиний қалб кўзи) очилмагунчи ҳам нарсани (ҳақиқатни) кўриб бўлмайди”.

Сайид Амир Кулол ҳикматларидан:

Нақл қилурларки, бир куни Ҳазрат Амир алайҳир раҳма ўз ёронларига дедилар: «Эй ёронлар, ихлос этинг ҳалос бўласиз, қўрқинг (Аллоҳ ғазабидан) – нажот топурсиз!»

- Билингки, луқмаи ҳалол дилни ва тилни пок этади. Зеро одамнинг ошқозони худди ҳовуз қабидур, унга тоза сув қўймоқ лозим, шу ҳовуз суви ва тупроқдан вояга етган ҳар хил гул, ҳар турли дараҳтлар меваси пок ва манфаатли бўлгай.

- Барча тоатнинг бошида тавба туради ва тавба улдурки, қилган гуноҳингиз учун дилдан пушаймон бўлмоқ ва қайта бу гуноҳ тақрорланмаслиги учун аҳд қилмоқ.

Ҳазрат Амир Кулолдан сўрадиларки, иродат (муридликка қўл бериш) нимадур?. Ҳазрат жавоб бердилар: «Иродат – Ҳақ Таоло ёди билан яшамоқ, замима (ёмон, ярамас хулқ) одатларни тарқ этмоқ, аҳдга вафо қилмоқ, омонатга хиёнат этмаслик, ўз-ўзини тақсир қилмоқлиқ, яъни ўз камчиликларини кўра билмоқлиқдир.

- Худойи таоло фармонларига мутаважжеъ бўлинг, қаерда бўлманг илм талабидан узоқда юрманг ва агар обу оташ дарёларига дуч келсангиз ҳам ғаввос бўлиб кечиб ўтинг – илмга этинг!

- Касб-ҳунар билан тирикчилигинизни ўтказиб, ҳалол кассб орқали рўзгорингизга етгулик миқдорда, лофу исроф даражасига етказмасдан ризқ-рўз топишга ҳаракат қилмоғингиз лозим. Ва шул жамғармангиздан камбағалларга нафақа берингки, бунда ҳам исроғарчилик ёхуд баҳиллик этманг, (яъни кам ҳам берманг), ўрта йўлни тутинг!

- Яхши хулқ ва жавонмардликдан бошига ҳеч бир хислат одамдинини ислоҳга келтиролмас.

- Олимларга мулозамат қилинг, уларга яқинлашинг, чунки бу тоифа Мұҳаммад салоллоҳу алайҳи васаллам ва ислом ворислари дурлар. Чунончи, Расулуллоҳ алайҳиссалом бу ҳақда буюрибтиларки, ал уламои ворисал набий. Эй ёронлар, зинҳор бундай олимлар билан алоқани узмант, токи ҳар икки оламда ҳам нажот топгувчилардан бўлгайсизлар. Билингки, нодонлар сухбати сизни Аллоҳ Таолодан йироқ этур.

- Ҳазрати Амир алайҳир раҳма васият этадилар: истайменки, менинг ва ёронларимнинг аъмоли юқоридаги насиҳатларга мос бўлсин, уларни қаттиқ тутайлик.

«Мағомоти Амир Кулол» да ёзилишича, Амир Темур Ҳазрат Амир Кулолнинг дуолари шарофатидан улуғ зафарларга эришган эканлар.

Манбаларда таъкидланишича, Сайид Мир Кулол вафот этганда, васиятларига мувофиқ, Ҳазрат Баҳоуддин ва Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийлар ул зотни ювиб, кафанлаб, қабрга қўйганлар. Ҳазрат Сайид Мир Кулол 1370 йилда вафот қилганлар, қабрлари Суҳор қишлоғидадир.

Собиқ иттифоқ замонида Ҳазрат Мир Кулол жомеъ масжидлар бузилди, зиёратгоҳ қаровсиз, вайронна ҳолига келтирилган эди.

Истиқлол йилларида Мир Кулол зиёратгоҳларида янги жомеъ масжид, меҳмонхона, дарвозахона қурилди. 2007 йилда Сайид Мир Кулол қабрлари устида маҳобатли мақбара қад ростлади. Бу ерда улкан боғ барпо қилинди. Ушбу мажмуа истеъдодли архитектор М. Қ. Ахмедов лойиҳаси асосида яратилган. Сайид Мир Кулол обидаларини бунёд этишда уста Олим, уста Музаффар, уста Муҳиддин, уста Абдулвоҳидлар хизмат қилган.

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

7. ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД қ.с. – асли исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад Жалолиддин бўлиб, Хожай Бузруг (улуг Хожа), Шоҳи Нақшбанд, Ҳазрат Баҳоуддин, Баҳоуддин Балогардан номлари билан жаҳонга машҳурдирлар. Авлиёлар сultonи “Силсилаи шаиф”даги ўн олтинчи ҳалқанинг пири муршиди ҳи собланадилар.

Ҳазрат Баҳоуддин 1318-йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилганлар. Кейинчалик бу зоти шариф баракотларидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифонгга айланди.

«Туҳфатул ансоб» китобида Баҳоуддин насаблари ҳақида маълумот берилган: Ҳазрат Баҳоул ҳақ ва дин Сайид Муҳаммад ибн Сайид Муҳаммад Жалолиддин Бухорий ибн Сайид Бурҳониддин ибн Сайид Шаъбон ибн Сайид Абдуллоҳ ибн Сайид Зайнубиддин ибн Сайид Шаъбон ибн Сайид Бурҳон ибн Сайид Маҳ-

муд Румий ибн Сайид Исҳоқ ибн Сайид Тақи ибн Сайид Маҳмуд Жоме ибн Сайид Али Акбар ибн Ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн Ҳазрат Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайнулобиддин ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб.

Ҳазрат Баҳоуддин она томонидан сиддиқийдурлар, яъни наслабари Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Ҳазратнинг касблари матога нақш солмоқ эди. Ҳазрат Баҳоуддинни “Накшбанд” дейишларининг бир жиҳати касблари, яъни матога нақш солиши билан боғлиқ. Иккингчиси, Аллоҳнинг номини қалбга нақши айламоқ деган маънони англатади. Ҳазратнинг «Дил ба ёру, даст ба кор» - қалбинг Аллоҳ зикри билан, қўлинг эса ҳалол меҳнат ила банд бўлсин”- деган олампумул шиорлари ҳам шунга ишора этади.

Ҳазрат Баҳоуддин Бобойи Самосий, Сайид Мир Кулол, Қусам Шайх, Халил Ота, Ориф Деггароний, Баҳоуддин Қишлоқийлардан сабоқ олганлар. Ҳазрат Баҳоуддин увайсий бўлиб, Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний руҳларидан таълим олганлар.

Баҳоуддиннинг Хожа Абдулхолиқ Фиждувоний руҳларидан таълим олиш воқеаси “Муздохун” (Мардохун) мозорида рўй берган. Муздохун мозори ҳозирги Навоий вилояти Қизилтепа тумани Азизобод мавзеининг Роҳобод қишлоғида жойлашган. Ҳазрат Баҳоуддин Азизободдан унчалик узоқ бўлмаган Ревартун қишлоғида бир муддат яшаганлар. Ана шундай қунларнинг бирида тунда Ревартундан чиқиб Хожа Муҳаммад Восеъ ва Хожа Аҳмад Ажфарнуй (Хожа Ажбандий) мозорларини зиёрат қиласидилар.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг Абулхолиқ Фиждувоний руҳониятларидан файз, сабоқ олганликлари воқеаси Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳ Накшбанд” китебидаги ӯз тилларидан қўйидагича нақл қилинади: “Аҳволнинг аввалида жазаба ғалабаси ва беқарорликда Бухоро мозорларини тунлари кезиб юрадим. Тунларнинг бирида табаррук мозорлардан бирининг бошига бордим. Қайси мозорга бормай, ўша мозорда ёниб турган бир чироғни кўрдим.

Чироғданда ёғ ва пилик тайёр ва муҳайё эди. Бироқ пиликни бироз ҳаракатга келтириш лозим бўлиб, у ёғдан чиқар ва янгидан ёна бошларди.

Тунда табъя тобиъинлардан бўлган ва уларнинг Мовароуннаҳра га келганликлари ишончли нақл билан исботланган Хожа Муҳаммад Восеъ қуддиса сирруҳунинг мозорлари бошига келдим. Хожа Аҳмад Ажфарнуй (уни ҳозирда Хожа Ажундий дейишади) мозорига боришига ишорат бўлди. Мазкур мозорга етганимда менга икки

киши яқинлашди. Белларига иккитадан қилич осиб олган эдилар. Мени бир уловга миндиришди ва уловнинг бошини Муздохун мозори томон буришди. Муздохун мозорига етганимда чироғдан ва пиликни юқорида айтилган ҳолда кўрдим. Қиблага юзланиб ўтиредим. Шу онда беҳудлик юз берди ва қарасам қибла девори ёрилиб, бир катта тахт пайдо бўлди Тахт олдига яшил парда тортилган эди. Бу тахт атрофида бир гуруҳ кишилар ўтирап эдилар. Уларнинг орасидан Хожа Муҳаммад Бобони танидим. Бу одамлар дунёдан ўтган одамлар эканини билдим. Жамоат ичидаги киши менга: “Тахтдаги Хожа Абулхолиқ Фиждувоний құддиса сирруҳудир ва бу жамоат эса уларнинг халифалари” деди. Сўнг ҳар бирига ишорат қилиб, мана бу Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Калон, Хожа Ориф Ревгари, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Хожа Али Ромитаний қаддасаллоҳу арвоҳаҳум деб таништириди. Ҳожа Муҳаммад Бобога етгач, деди: “Уларни сен ҳайётлик чоғида топгансан, Шайх сенга бир қулоқ берган ва сенга қаромат қилиб тушиётган бало сенинг барокатинг туфайли даф бўлади, деган эдилар”.

Шунда жамоат: “Қулоқ сол ва яхшилаб эшит, Ҳазрати Хожаи Бузруг (А.Фиждувоний) сенга сўз айтадиларки, Ҳақ йўлида юришда бунга амал қилмай иложинг йўқ!” Шунда жамоатдан Хожаи Жаҳонга салом бериш ва уларнинг муборак жамолларига на зар солишга рухсат сўрадим. Пардани қўтардилар. Нуроний бир пирни кўрдим ва салом бердим. Саломга жавоб бердилар. Сўнг сулукнинг бошланиши, ўртаси ва охири ҳақида баён қилдилар ва дедилар: “Сенга чироқларининг юқоридаги кайфиятда кўрсатилиши сенинг бу йўлдаги истеъод ва қобилиятингта ишорат ва башпоратдур, аммо истеъод пилигини ҳаракатга келтирмоқ лозим, тики равшан бўлсин ва сирлар зуҳурга келсин”. Сўнг буюрдилар: “Барча ҳолатда ҳам қадаминг амру наҳий кўчасида бўлсин, суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узоқ бўл, Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини ўзингга пешво қилиб ол, Расулуллоҳу саллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг улуғ саҳобалари, ризвонуллоҳу алайҳим ажмаъин, асарлари ва хабарларини изловчи ва ўрганувчи бўл!”.

“Мақомот”дан келтирилган ушбу иқтибос Ревартундаги “Гулҳоуз”, Хожа Муҳаммад Восеъ, Хожа Аҳмад Ажфарнуй(Хожа Ажбандий), Мардохун (Муздохун) мозорлари Баҳоуддин Нақшбанд қадамлари теккан, улуғ хосиятли зиёратгоҳлардан эканлигини кўрсатиб турибди.

Хожа Мұхаммад Восеъ құддиса сирруғунинг мөлөрлігін Гөвартундан унча узоқ бұлмаган Варозун қишилөгіндегі жойдашып “Мақомот” да: “Мұхаммад Восеъ табъа тобеинлардің, ишінән пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг саҳобаларини күрган одамлар билан үчрашған киши бўлиб, Арабистондан Мовароуннаҳрга келганинда ри ишончли нақл билан исботланған”, деган фикр билдирилган Абдураҳмон Раъфат Пошонинг “Тақво зийнатлаган имон” (Тақво зийнатлаган имон. Т., Шарқ, 2015) китобида эса Мұхаммад ибн Восеъ Аздий басралик улуғ тобеин бўлиб, Қутайба ибн Мұслим билан Мовароуннаҳрга, жумладан Марв, Бойканд, Бухоро шаҳарларига келгани тўғрисида маълумоглар берилган. Мазкур рисолада ёзилишича, Мұхаммад ибн Восеъ Аздий “зайнул фуқаҳо (фақиҳлар зийнати) деган лақабга сазавор бўлиб, халқ орасида Басранинг обиди сифатида танилган. У Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ходими улуғ саҳобий Анас ибн Молик ансорийнинг шогирди бўлган.”

Қутайба ибн Мұслим ўз атрофидатилардан Мұхаммад ибн Восеънинг қаердалигини сўрайдилар. Улар Мұхаммад ибн Восеънинг найзасига сுяниб, кўзи тикилиб, бармогини осмон томонга ҳаракат қилдираётган ҳолда кўрганларини хабар берадилар. Қутайба: “Уни ўз ҳолига қўйинглар, безовта қилманглар. Аллоҳга қасамки, мана шу бармоги менга минг нафар навқирон йигит кўтариб юрган машҳур қиличдан кўра яхшироқдир. Дуо қилаётган маҳалда уни ўз ҳолига қўйинглар, уни дуоси мустажоб бўлувчи кипи эканини биламиз”, - дейдилар.

Молик бин Дийнор Мұхаммад ибн Восеъ ҳақида шундай деганлар: “Амирларнинг қориси бор, бойларнинг қориси бор, Мұхаммад ибн Восеъ Раҳмон қориларидан биридир”.

Ҳазрат Баҳоуддин тунда кезган Варозундаги Мұхаммад ибн Восеъ мозоридаги қабр рамзий бўлиб, табаррук зиёраттоҳ саналади.

Хожа Аҳмад Ажфарнуй мозорлари ҳам ҳозирда мавжуд. Қизилтепа шаҳри қуйисида жойлашған бу жой халқ орасида Хожа Ажбандий мозори деб айтилади.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг Абулхолиқ Фиждувоний руҳлари билан учрашған Муздохун (Мардохун) ҳозирги кунда халқ тилида ўзгарилиб Мазорхон (Мазоргон) мозори деб юритилади.

Тариқат одобини, илмини Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Сайнд Амир Кулолдан ўрганадилар. Ҳазрат Баҳоуддин Сайнд Амир Кулолга сидқу ихлос билан хизмат қиладилар. Нағсі құпилиништа, бир кун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хұммәнша үгін қалаб тур-

ганда, эгниларидағи бор давлатлари ҳисобланмииш пўстинни ечиб оловга ташлабдилар. Бу ҳолни кўриб Мир Кулол: «Эй фарзанд, хумдонга кириб пўстингизни олинг, ҳали у сизга кўп даркор бўлгай! – дебдилар. Баҳоуддин эса эътиroz билдириб дебдиларки: «Агар у тош ё темир бўлганда ҳам аллақачон эриб кетарди. Менинг пўстинимдан ном-нишон қолмагандир.» Мир Кулол: «Эй, Баҳоуддин! Ҳақ Субҳонаҳу таоло ишқи оташида неча йилдан бери куй-иб келаяпсиз, лекин бу пўстингизга ул оташ таъсир қилмади. Ваҳоланки, эгнингизда доимо шу пўстин бор эди. Хумдондаги олов зинҳор-зинҳор ул пўстинни куйдиролмагай. Зоро, машойихлар: Каси сўхтаро ду бора бирён нақунанд, яъни қуянган одамни қайтадан ўтга бирён этмаслар, деганлар. Қўрқмай хумдонга киринг!» - дебдилар. Баҳоуддин «бисмиллаҳ» деб лов-лов ёниб турган хумдон ичига кирсалар, пўстинларининг ҳатто бир тукига ҳам олов таъсир қилмаган экан. Шунда Мир Кулол дедилар: «Эй, фарзанд! Дарвешлар зоҳирида бўлган нарсаларга дунё оташи таъсир этмас. Сиз дарвешлар қалбидан жой олмоққа сайъ-ҳаракат айланг, шунда дўзах оташи сизни куйдиролмас!»

Мұхаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд” китобида нақл қилинишича, Ҳазрат Баҳоуддин камолотта етгач, Ҳазрат Саид Амир Кулол дейдилар: «Эй фарзанд, Ҳазрати Бобойи Самосий сен тўғрингда қилган васиятларини тамом бажо келтирдим. Ул зот менга деган эдиларки, мен сени қандай тарбият этган бўлсан, фарзандим Баҳоуддинни ҳам худди шундай парвариш қилгайсен ва шафқатни дариф тутмагайсен. Ҳар неки дедилар, адо этдим. . . Энди сизга ижозат – хоҳ турк, хоҳ тожикдан бўлсин, қаердаки димоғингизга бир хуш ҳид етса – талабда тақсир этманг!» Ва азҳобларига қаратадар дедилар: “Саҳобаларим ичиди икки киши – Ҳазрат Баҳоуддин ва Мавлоно Ориф Деггронийга тенг келадигани йўқ. Ҳар иккиси ҳам бошқа саҳобаларимдан ўзиб кетди.”

Ҳазрат Саид Амир Кулол оғир бетоб бўлиб, ўлим тўшагида ёт-гандарида барча асҳобларини йиғиб, бундан буён Ҳазрат Баҳоуддинга тобеъ бўлишини айтадилар. Асҳоблар Саид Амир Кулолга: “Улар зикр(жаҳрия зикр)да сизга эргашмадилар-ку!” деб мурожаат қилдилар. Амир Кулол уларга қаратадар: “Ҳазрат Хожа этадиган ҳар бир иш ўзгалар амалидан яхшироқдир. Хожа ҳар не иш этсалар, у ҳикмат ҳисобланади. Зоро, ул Илоҳий ихтиёр ила воқеъ бўлур, ўз ихтиёри билан эмас.”

Ҳазрат Баҳоуддиннинг Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Фиждувоний, Шайх Сироҗиддин Пирмасстий, Яқуби Чархий каби кӯплаб етук шогирдлари бўлган.

Хожа Муҳаммад Порсо ал Бухорий Баҳоуддин Нақшбанднинг улуғ аллома, ҳаққа етган ориф, қутбул авлиё, соҳибкоромат муршид бўлиб етишган муридларидан. Бу зоти шарифнинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофизиддин ал Бухорийдир. Хожа Муҳаммад Порсо 1348 йилда Бухорода туғилганлар. Бухоро мадрасаларида таълим олганлар. Хожа Муҳаммад Порсога Ҳазрат Баҳоуддин ботин илмидан таълим берганлар. Ҳазрат Баҳоуддиннинг Хожа Порсога меҳр-муҳаббатлари ғоят баланд бўлган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) биринчи марта ҳаж сафаридан қайтиб келадилар. Мухлислари, саҳобалари Ҳазратни бирма-бир зиёрат қиласидилар. Хожа Порсо ҳам ушбу мажлисга кириб келадилар. Ҳазрат Баҳоуддин Хожа Порсо томонга юзларини ўгириб дейдилар: “Дўстларимиздан қай бириси бизнинг ёнимизга келса, аввал ботинини бизнинг ботинга рост айлаб, сўнг ҳузуримизга киради. Лекин хоҳ файбда, хоҳ ёнимизда бўлсин – ботини менинг ботинимга доимо рост бўлган ягона дўстим сенсан!”

Ҳазрат Баҳоуддиннинг Хожа Порсо ҳақларидағи қўйидаги сўзлари ҳам бу зоти шарифнинг улуғ даражаларидан далолат беради: “Хожа Порсо не тиласа, Аллоҳ таоло бажо келтиради, биз дегаймизки, айтгил, у тиламайди!”

Ҳазрат Хожа Порсо биринчи маротаба устодлари Ҳазрат Баҳоуддин билан Маккай Мукаррамага ҳаж арконларини бажармоқ учун борганлар. Навоийнинг “Насоимул муҳаббат” китобида келтирилган маълумотга кўра, ҳижрий 822 йилнинг муҳаррам ойида Хожа Порсо Бухородан иккинчи бор Байтуллоҳ зиёрати учун йўлга чиқадилар. Қаерга борсалар, албатта у жойдаги бузрукзодалар, валийлар қабрини зиёрат қиласар ва ул мамлакатдаги саййидлар, шайхлар, уламолар эса Хожа Порсога пешвоз чиқиб, ул зотдан дуо олардилар. Ҳазат Жом шаҳридан ўтиб кетаётгандарида ҳам кӯплаб асҳоблар, мухлису муҳиблар у кишига пешвоз чиқадилар. Абдураҳмон Жомийнинг оталари ҳам ўғиллари билан бирга Хожа Порсонинг истиқболларига чиқадилар. Абдураҳмон Жомий бу учрашувни ўнндай эслайдилар: “Менинг ёшим бешга яқинлашаётган эди. Отамнинг ишоратлари билан мени Хожа Порсога рӯбарӯ қилдилар. Алар илтифот қилиб, бир бош кирмоний набот(навот)

илигим(қўлим)га бердилар. Бу кун ул тарихдан олтмиш йилдирки, ҳануз талъатлари (юз, чехра)нинг сафоси менинг қўнглимдадур ва муборак дийдорларининг лаззати менинг қўнглимдадур ва ҳамонки ихлос ва эътиқод ва иродат ва муҳаббат робитаси бу фақиргаки Хожалар(қ.а.) хонадонига воқеъдур, ул назарнинг барокотидан эркин ва умидим улдирки, упбу робита юмни (баракати, баҳтиёрлиги) аларнинг муҳиблари ва муҳлислари зумрасида машҳур бўлгаймен”.

Хожа Порсо 72 йил умр кўрганлар. Ул зоти шариф Маккада Каъбани тавоф қиласдан сўнг Мадинаи Мунавварага борадилар ва ўша ерда 1420 йилда вафот этадилар. Қабрлари Мадинаи Мунавварадаги Жаннатул боқеъ қабристонидадир.

Ҳазрат Хожа Алоуддин Фиждувоний Баҳоуддин Нақшбандга мурид бўлиб, ул зоти шарифнинг назарларига тушадилар. Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан сўнг Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсога муриду муҳиб бўладилар.

Хожа Алоуддин Фиждувонийдан жуда кўп улуғ авлиёлар сабоқ олишган. Жумладан, Хожа Аҳрор Валий(1404-1490) Самарқандан Хожа Алоуддин Фиждувоний хизматларини қилмоқ, ул зотдан сабоқ олмоқ учун Бухорога келадилар. Бу пайтда Хожа Аҳрор 22 ёшида, Хожа Алоуддин Фиждувоний эса 90 яшар мўйсафид эдилар. Хожа Аҳрор дейдиларки, кўп азизлар суҳбатига бориб, улардан сабоқ олдим. Бундан қалбимга ҳузур зоҳир бўлур, лекин яна янги бир машгулотта буюрганларида қалбимдаги ҳузур йўқолар ва қалбимда тафриқа(паришонлик) пайдо бўларди. Хожа Алоуддин Фиждувоний суҳбатлари шарофатидан қалбимдаги паришонлик йўқолди ва тарик(йўл) равшан бўлди.

Ҳазрат Алоуддин Фиждувоний дейдилар: “Мен ўзимни таниганимдан бери ҳатто чумчуқ тумшуғини сувга ботирган миқдорчалик (яъни бирор дақиқа ҳам) на кечга, на кундуз гафлатга ботмадим”.

Ҳазрат Алоуддин Фиждувоний Бухородаги Намозгоҳ масжиди жанубида жойлашган Филмарза (Пиримарза) қишлоғидаги Тал(-тепалик)да дафн қилинган.

Нақшбандия тариқатининг улуғ пири, “Силсилаи шариф”даги ўн етгингич ҳалқанинг пири муршиди, авлиё Ҳазрат Алоуддин Аторнинг исмлари Муҳаммад иби Муҳаммад ал Бухорийдир. Бу зоти шариф Хоразмдан Бухорога илм истаб келганилар ва кўп риёзатлар чекиб Бухоро мадрасасида илм оладилар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан ботиний таълимни оғалландилар. «Макомоти Шоҳи Нақш-

бандр»да келтирилган маълумотга кўра, Ҳазрат Баҳоуддин Алоуддин Атторни сулук бошида доимо ўзларига яқин жойда ўтиришга буюрардилар. Асҳоб бунинг сабабини сўраганда, Ҳазрат дедилар: “Уни бўри еб қўймасин деб шундай этаман. Зеро бўри, яъни нафс доимо пойлаб туради. Шу сабаб ҳар лаҳза Хожа Алоуддин ҳолидан боҳабар бўлиб тураман, токи у бўрига ем бўлмасин”.

Алоуддин Атторнинг кўплаб шогирдлари бўлган. Яқуби Чархий уларнинг энг етукларидан биридир. Яқуби Чархий Хожа Аҳорори Валийнинг пири муршиди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд икки фарзанд кўрганлар. Үғиллари ёшлиқда вафот этади. Қизларини эса муридлари Алоуддин Атторга никоҳлаб берадилар. Улардан неваралари Ҳасан Аттор туғилади. Ҳасан Аттор валиюллоҳ бўлиб етишадилар.

Хожа Алоуддин Аттор 1400 йилда, Ҳасан Аттор 1423 йилда вафот этадилар. Бу зоти шарифларнинг қабрлари Денов (Сурхондарё вилояти)дадир.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд икки марта ҳаж сафарига борганлар. Ҳазрат Баҳоуддин «Ҳаётнома», «Далелул ошиқин», «Аврод» номли китоб ҳамда бир қатор рубоийлар муаллифидилар:

Қуидаги рубоийлари машҳурдир:

* * *

На маро мафрашу, на мафрашкан,
На гуломони турку туркашкан,
Ҳама шаб чун сагони каҳдони
Сар ба дум оварем бихусбем хуш.

Таржимаси:

На бизда бўйраву бўйракаш бор,
На гуломи турку ва на хизматкор,
Сомонхона итидек дум остига
Ҳар кеч бош қўйиб ётамиз бедор.

* * *

Ҳечи мо нею ҳечи мо кам не,
Аз пайи ҳеч ҳеч мо кам не.

Жанда дар пушту пушт гӯристон,
Гар мирем мо ҳеч мотам не.

Таржимаси:

Ҳеч нарсамиз йӯгу ҳеч нарса ҳам кам эмас,
Ҳеч нарсанинг йўқлиги бизга vale ғам эмас.
Жандамиз елкамиизда, ортимизда гӯристон,
Агар ўлсак ногаҳон бизга ҳеч мотам эмас.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳикматлари:

Нақл қилурларки, Ҳазрат Баҳоуддин кӯчада бир дарвешни кўрдилар. У қуйидаги байтни ўқирди:

*Некувонро дўст дород ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён.*

Мазмуни: Яхши кишиларни ҳамма ҳам дўст тутади, лекин агар сен ёмон кишиларни ўзингга дўст қилсанг (яъни уларни ўзингга яқинлаштириб, яхши йўлга бошлай олсанг) ютуқ эгаси бўласан. «Мен учун бу байт сабоқ бўлди ва барча дарвешларга мазкур байтни ёдламоқни буюрдим», дейдилар Ҳазрат Баҳоуддин.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдилар: “Аҳли камол, аҳли нисор (тариқат аҳли) йўли қуийидагичадир: бу йўлнинг чақалогини тариқат бешигига белайдилар ва тарбият (одоб) синаси (кўқраги) дан сут эмдириб, висол сарҳадига етказадилар, шундан сўнг „ман“ (ўз) лигини йўқотиб, ваҳдат саропардасига маҳрам қиласидилар. Мана шу усул билан солик бевосита Аллоҳдан файз олади ва висолга етувчи абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Бу улуф неъмат шу-кронасини адо қилмоқ мушқулдир”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дилба ёру даст ба кор!” шиорларида катта ҳикмат бор. Яъни қўлинг доимо ҳалол меҳнат билан банд бўлса, қалбингда Аллоҳ зикри бўлса, сен икки дунё саодатига мушарраф бўласан!

Ҳазрат шогирдларига шамдан ибрат олмоқликни шундай уқтирадилар: “Шамдай ҳаёт ўтказ: ҳамманинг уйини нурафшон этиб, ўзинг қоронгуда бўл!”

*- Ки то кай гўри мардонро парасти,
Ба гирди кори мардон гарди расти.*

Яъни улуф одамларнинг гўрига сигингунча, улар қилган буюк ишларни давом эттиргил.

Ҳазрат Баҳоуддин ўз йўллари моҳиятини тушунтириб дедилар: “Бизнинг тариқимиз урватул вусқо (мустаҳкам тутқич)дир. Яъни Муҳаммад Мустафо с.а.в. суннатлари тобеълик этагини қаттиқ тутмоқдир ва улуф саҳобалар р.а. изларидан юрмоқдир”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдилар: “Бизнинг вазифамиз юракларда муҳаббат уругини қадамоқдир, дарвоҷе, айрим юракларда муҳаббат уруги бор, лекин бегона ўтлар бисёрлигидан ул уруғ кўкармасдан қолган. Айрим юракларда эса ул уруғ йўқдир. Биз ул юраклардаги бегона ўтларни юлиб оламиз, юраклар покизза бўлдики, муҳаббат урувлари кўкаргайдир. Муҳаббат уруги бўлмаган юракларга эса ул урувларни қадаймиз”.

- Бизнинг тариқатимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда оғатдур. Хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда бу шарт билаки, бир-бирига нафй (фойда) бўлгай.... Агар бу йўл соликларининг ҳаммалари бири бири билан суҳбат этсалар, анда кўп хайру баракадур. (А.Навоий. мукаммал асарлар тўплами, 17-том, 263-бетлар.)

Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Бизнинг қўлимизга Ҳақ таоло чақмоқтош бериб қўйгандир, токи соликлар (яъни тариқатга киргандар) қалбидаги шамни мана шу чақмоқтош ёрдамида ёндирайлик ва уларнинг қалби нурафшон бўлсин, зулматдан қутулсин!”

Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи халифалари ва куёвлари Ҳазрат Алоуддин Аттор дейдиларки, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд жон бераётган пайтда «Ёсин» сурасини ўқир эдик, суранинг ярмига келганимизда, Ҳазрат Баҳоуддиннинг юзларида нур пайдо бўла бошлиди, калимаи тавҳидни айтиб жон бердилар.

Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан бир кун олдин муридларининг ҳаммасига Хожа Муҳаммад Порсога тобе бўлишни васият қилидилар. 1389 йил Баҳоуддин Нақшбанд Қасри Орифонда вафот қилидилар. Жуда кўп шоирлар Ҳазрат вафотларига атаб тарих битган, лекин энг машҳури мана будир:

*Рафт шоҳи Нақшбанд Хожсаи дунёву дин,
Он ки буди шоҳи роҳи дину давлат миллаташ.
Маскану маъвои ўчун буд Қасри Орифон,
«Қасри ирфон» з-ин сабаб омад ҳисоби риҳлаташ.*

Мазмуни: дунё ва динининг Ҳожаси Шоҳи Нақшбанд вафот қиласди, у дину давлатнинг шоҳи эрди. Унинг маскану маъвоси Қасри Орифон эди. Шу сабаб вафот этиш тарихи «Қасри ирфон»дан чиқади.

«Қасри ирфон»дан абжад ҳисобида 791 йил ҳосил бўлади, бу мелодий 1389 йилга тўғри келади.

Ҳазрат Баҳоуддин қабрлари устидаги дахма ва ушбу зиёратгоҳдаги хонақоҳни Абдулазизхон иби Убайдуллохон 1544 йилда қурган. Абулфайзхонининг ораси эса икки томони айвонли масжид (XVIII аср), Ҳаким Қушибеги Амир Насруллохон замонида (XIX аср) масжид бино қиласди. Бу мажмуудаги Минора 1720 йил, Саққохона XX асрда бунёд қилинганидир.

Истиқбол шарофатидан Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларида улкан таъмирлаш ишлари амалга опирилди. Қадимги дарвозалар–Хожа Диловар, Бобус Салом асл ҳолига келтирилди. Зиёратгоҳнинг жанубида улкан гумбазли дарвозаҳона қурилди. Ҳазратнинг қабрлари шарқи ва жанубида улкан ва гўзал айвон тикланди. Бу янги айвон қадимги айвонга гоят мутаносибdir. Хонақоҳ ва ҳар иккала масжид бинолари сиддицилдан таъмирланди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари билан оналари – Орифабиби зиёратгоҳлари бир мажмууга айлантирилган. Орада боғ, гулзор барнио этилди.

Улуг пирларимиз зиёратгоҳларини обод этаётганларни Оллоҳ таоло икки дунёда саодатманد этсин, Омин!

МУНДАРИЖА

<i>Кириш сўз</i>	3
БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ	5
ҲАЗРАТ АБДУЛХОЛИҚ ФИЖДУВОНИЙ	8
ХОЖА МУҲАММАД ОРИФ АР РЕВГАРИЙ	14
ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ	17
ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ	19
ХОЖА МУҲАММАД БОБОИ САМОСИЙ	26
САЙИД АМИР КУЛОЛ	29
ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД	34

Садриддин Салим Бухорий

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁКИ ЕТТИ ПИР

Мұҳаррір:
Илхом Халилов

Бадий ва техник мұҳарріп: Хуршидбек Иброҳимов

Нашриёт лицензияси: АI №170. 23 декабр 2009 й.

Теришга берилди: 17.04.2017 йил.

Босинига рухсат этилди: 17.05.2017 йил.

**Офсет қорози. Қороз бичими: 60x84 $\frac{1}{16}$
Schoolbook гарнитураси. Офсет босма.**

Ҳисоб-нашириёт т.: 2,09. Шартли б.т: 2,79.

Адади: 2 000 нусха.

Буюртма: № 8

Баҳоси шартнома асосида.

**«Наврӯз» панриётида панрга тайбрланыди.
100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 19-уй.**

**“Elizabet print” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри. Мустақиллик шоҳ кўчаси, 38-уй.
e-mail: elprint_info@mail.ru.**

Садриддин
Салим Бухорий

**БАҲОУДДИН
НАҚШБАНД
ЁКИ ЕТТИ ПИР**

Садриддин Салим
Бухорийнинг «Баҳоуддин
Нақшбанд ёки етти пир»
китоби 1993 йилда илк бор
нашр қилинди. Муаллиф ушбу
китобини 2009 йилда янги
маълумотлар билан тўлдириб,
чоп эттириди. Кўлингиздаги
мазкур китоб эса Садриддин
Салим Бухорийнинг хожагон-
нақшбандия тариқатига оид
бошқа асарларидан олинган
янги маълумотлардан
фойдаланиб тўлдирилди ва
қайта нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-381-75-9



9 789943 381759